

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълими вазирлиги

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти

“Иқтисодиёт” факультети

5340100-“Иқтисодиёт” бакалавр таълим йўналиши

И-43 гуруҳ талабаси Тошмуродов Баҳодир Тўлкиновичнинг

“Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида фермер хўжаликларида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг ташкилий иқтисодий асослари”

(Косон тумани “Давлатбек Эркин ўғли ” фермер хўжалиги мисолида)
мавзусида ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Қарши-2013 йил

Кириш

Мавзунинг долзарблиги: Қишлоқ хўжалиги – Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларини эса хомашёга бўлган талабини қондиради. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизига яқини аграр сектор тармоқларида тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги истеъмол бозорига барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда пахта қайта ишлаш, ёғ-мой саноатига хомашё етказиб бериши билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати ва бошқа саноат тармоқлари маҳсулотлари учун кафолатли бозор бўлиб ҳам ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларига бириктирилган ер участкаларини оптималлаштириш, пахта ва ғалланинг харид нархларини ошириш бўйича амалга оширилаётган изчил ишлар натижасида иқтисодиётимизнинг аграр секторида таркибий сифат ўзгаришлари юз бермоқда

Пахта ва ғалла каби стратегик муҳим қишлоқ хўжалиги экинлари билан бир қаторда, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик соҳаларида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди, қайта ишлаш тармоқлари ва ички бозорни сут, гўшт, картошка, сабзавот каби энг муҳим озиқ-овқат ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан янада кўпроқ тўлдириш учун мустақкам хомашё базаси яратилмоқда.

“...юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоиз, 2009 йилда 8,1 фоиз, 2012 йилда эса 8,5 фоизни ташкил этди. Кейинги ўн йилда, яъни 2000 йилга нисбатан таққослаганда, 2010 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 баробар ошди.

Агар ўн йил олдин, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноатнинг ҳиссаси атиги 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 24 фоизни, транспорт ва алоқанинг улуши тегишли равишда 7,7 ва 12,4 фоизни ташкил этди, хизматлар бўйича бу рақам 3^{17} фоиздан 49 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалигининг улуши эса 30,1 фоиздан 17,5 фоизга тушди”.

Ҳозирги мураккаб иқтисодий жараёнлар шароитида аҳолини ошиб бораётган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш учун аграр соҳада кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш, тармоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва улардан олинган даромадларни муттасил ошиб боришини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳам Президентимиз И.А.Каримов бугунги глобаллашув шароитида мамлакат иқтисодиётини рақобатбардошлигини ва унинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш, жаҳон аренасида ўз ўрнига эга бўлиши учун мамлакатда аграр соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, уни замонавий технологиялар билан таъминлаш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил қилиш зарурлигини кўрсатиб берди. Шунинг учун ҳам уш бу мавзу долзарбдир.

Мавзунинг мақсад ва вазифалари: Мавзунинг мақсади, бугунги мураккаб иқтисодий жараёнлар шароитида мамлакат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини замонавий технологиялар билан қуроллантириш ва шу асосда маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори ва сифатини ошириш, тармоқда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажаришни режалаштирганмиз;

- Такрор ишлаб чиқаришнинг назарий ва илмий асосларини аниқлаш
- Ишлаб чиқариш жараёни тўғрисида тушунчани ва унинг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш
- Ишлаб чиқариш жараёнининг таркибий қисмларини аниқлаш
- Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш омиллари ва унинг таркиби.
- Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш ва маҳсулот ишлаб чиқариши динамикасининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш

¹Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

-Фермер хўжалигини ташкил этилиши, ихтисослашуви ва ишлаб чиқариш имкониятлари ҳолатини аниқлаш

-Фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижалари ва уларни акс эттирувчи иқтисодий кўрсаткичлар тизимини таҳлил қилиш

-Фермер хўжалигида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тақсимлаш омиллари ва унинг таркибини ўрганиш

-Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш омилларидан, сотиш ва уларнинг товарлилик даражаси ва уни аниқлаш тартибини ишлаб чиқиш

-Фермер хўжаликларида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини белгилаб бериш

-Фан техника тараққиёти ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида эканлигини илмий жиҳатдан асослаш

-Фермер хўжаликларида такрор ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашда давлатнинг ҳозирги сиёсати йўналишларини кўрсатиб ўтиш

-Жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг иккинчи тўлқинланиш даврида қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулотни кўпайтириш, унинг товарлилик даражасини оширишнинг асосий йўлларини кўрсатиб бериш

Мавзунинг объекти; . Битирув малакавий ишининг объекти Косон тумани “Давлатбек Эркин ўғли” фермер хўжалигининг ижтимоий иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги;

- Такрор ишлаб чиқаришнинг назарий ва илмий асосларини аниқланди

-Ишлаб чиқариш жараёни тўғрисида тушунчани ва унинг ривожланиш тенденцияларини ўрганилди

-Ишлаб чиқариш жараёнининг таркибий қисмларини аниқланди

- Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш омиллари ва унинг таркиби аниқланди.

-Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш ва маҳсулот ишлаб чиқариши динамикасининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш

-Фермер хўжалигини ташкил этилиши, ихтисослашуви ва ишлаб чиқариш имкониятлари ҳолатини аниқланди

-Фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижалари ва уларни акс эттирувчи иқтисодий кўрсаткичлар тизимини таҳлил қилинди

-Фермер хўжалигида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тақсимлаш омиллари ва унинг таркибини ўрганилди

-Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш омилларидан, сотиш ва уларнинг товарлилик даражаси ва уни аниқлаш тартиби ишлаб чиқилди

-Фермер хўжаликларида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини белгилаб берилди

-Фан техника тараққиёти ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида эканлигини илмий жиҳатдан асосланди

-Фермер хўжаликларида такрор ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашда давлатнинг ҳозирги сиёсати йўналишларини кўрсатиб ўтилди

-Жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг иккинчи тўлқинланиш даврида қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулотни кўпайтириш, унинг товарлилик даражасини оширишнинг асосий йўллари кўрсатиб берилди

Мавзунинг амалий аҳамияти: Битирув малакавий ишида ишлаб чиқилган назарий ва амалий ишланмалар, илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқаришга татбиқ этилса, фермер хўжаликларида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш таъминланиб, унинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ошади, товар пул муносабатлари яхшиланади ҳамда тармоқни интенсификациялаштиришига эришилиб, макроиқтисодий барқарорлик таъминланади.

Битирув малакавий ишининг таркибий қисми ва ҳажми, Битирув малакавий ишининг таркибий қисми кириш, учта боб, хулосалар ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар ҳамда иловалардан иборат бўлиб унинг ҳажми ... бет ва босма табоқдан иборат

I-боб. Такрор ишлаб чиқаришнинг назарий ва илмий асослари

1.1.Ишлаб чиқариш жараёни тўғрисида тушунча ва унинг ривожланиш тенденциялари

Бугун ҳаммага маълумки, кишилар яшашлари, сиёсат, санъат, адабиёт, фан, маърифат, маданият, таълим билан шуғулланишлари учун ҳаётий неъматларни истеъмол қилишлари, кийинишлари ва турли хил хизматлардан баҳраманд бўлишлари керак. Бунинг учун эса озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва турли хизматлардан иборат ҳаётий воситалар зарур.

Кишилар бундай ҳаётий воситаларга эга бўлиш учун турли соҳаларда фаолият кўрсатади. Инсонга бу турли фаолиятлар ичида энг асосийси, уларнинг яшаши ва камол топишини таъминлайдиган моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатишдан иборат бўлган иқтисодий фаолиятдир.

Инсоннинг эҳтиёжи қондириш, яъни тирикчилик, ҳаёт кечиришни таъминлашнинг восита ва усуллари мажмуи иқтисодий фаолият деб аталади.

Кишиларнинг яшаши, камол топиши учун зарур бўлган ҳаётий воситаларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришга қаратилган, бир-бири билан боғлиқликда амал қиладиган турли-туман фаолиятлар яхлит қилиб, иқтисодий фаолият деб аталади.

Иқтисодий фаолият инсон ҳаётининг асосини ташкил этади. жуда мураккаб, турли ҳодиса ва жараёнларни ўз ичига олади. Кишмлик жамияти мавжуд бўлар экан, бу жараёнлар узлуксиз давом этади. Иқтисодчилар иқтисодий фаолиятни тўрт фазага бўлишади: ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш, истеъмол. Инсонларнинг хўжалик юритиш фаолиятининг натижаси ижтимоий маҳсулот бўлиб, унинг ҳаракати ана шу тўрт фазани босиб ўтади ва узлуксиз такрорланади.

Жамият тараккий этган сари истеъмол ўсиб, эҳтиёжлар тўлароқ қондирила боради. Эҳтиёжни қондириш усуллари ҳам ўзгаради. Истеъмол неъматлари тури кўпаяди.

Инсон эҳтиёжлари турли-туман бўлиб, уларни турли усуллар, воситалар орқали қондиришга ҳаракат қиладди.

Қадимда иқтисодий фаолиятнинг асосий шакли уй хўжалиги доирасида рўй берган. Шунинг учун иқтисодиёт деганда уй хўжалиги ва уни юритиш қонун-қоидалари тушинилган. Лекин, ҳозирги даврда иқтисодиёт фақат уй хўжалиги доираси билан чекланиб қолмайди, балки йирик хусусий ва жамоа хўжаликлари, ҳиссадорлик жамиятлари, давлат хўжаликлари, молия ва банк тизимлари, хўжаликлараро, давлатлараро бирлашмалар, корпорациялар, концернлар, қўшма корхоналар, ҳамда улар ўртасидаги иқтисодий муносабатлардан иборат бўлган, жуда мураккаб организм ҳисобланади. Иқтисодиёт - бу моддий ва номодий неъматлар ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келадиган даражадаги ҳамда уларни тартибга солишчи механизмлар ва турли муассасаларнинг маълум даражада тартибга солинган ва бошқача айтганда иқтисодиёт - бу зарурий ҳаётий неъматлар йўли билан жамият эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи хўжалик тизимлари мажмуасидир. Ҳар қандай иқтисодиёт бир қатор зарурий бўғинлар ва умумий таркибий тузилмалардан иборат бўлади. Булар ичидан ишлаб чиқаришнинг технологик усули, ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-иқтисодий муносабатлар, ижтимоий меҳнат тақсими ва ихтисослашиш, жамиятнинг иқтисодий ресурс салоҳияти ва устқутравий тузилмаларини алоҳида ажратиш кўрсатиш мумкин.

Иқтисодиёт доирасида моддий бойликларни, яъни жамият учун зарур бўлган неъматларни такрор ишлаб чиқариш жараёни рўй беради.

Товарлар, хизматлар ва ресурсларнинг ҳаракати бўйича такрор ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларининг бирлигидан иборатдир.. Буларнинг ичида энг асосийси ва бошланғич бўғини ишлаб чиқариш жараёнидир. Чунки ҳамма товар ва хизматлар худди шу босқичда яратилади. Агар ишлаб

чиқарилмаса, тақсимланадиган, айирбошланадиган ва ниҳоят, истеъмол қилинадиган нарсалар бўлмайди.

Иккинчи муҳим босқич тақсимот жараёнидир. Бу босқичда, ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи, товар ва хизматлар ҳамда пул даромадлари, тармоқлар, соҳалар, ҳудудлар корхоналар ва жамиятнинг алоҳида аъзолари ўртасида тақсимланади.

Айирбошлаш жараёни яратилган неъматлар ва бойликларнинг ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларини боғловчи бўғин ҳисобланади. Бунда ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида иқтисодий **алоқа** яъни - айирбошлаш, жараёни пул воситасида амалга оширилади.

Такрор ишлаб чиқаришнинг охириги босқичи истеъмол жараёнидир. Бу жараёнда товарлар ва хизматлар ўзларининг пировард истеъмолчиларини топади ҳамда турли хил эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади. **Истеъмол икки турга бўлинади: унумли ва шахсий истеъмол.** Ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилиб, унумли истеъмол қилинади. Истеъмол буюмлари шахсий истеъмол жараёнида фойдаланилади, ва шу орқали уларнинг ўрнига янгисини ишлаб чиқариш зарурияти пайдо бўлади, шундай қилиб, товарлар, хизматлар ва ресурсларнинг ҳаракати доимо тўхтовсиз такрорланиб узлуксиз янгиланиб турадиган жараёндир.

Иқтисодий фаолият ишлаб чиқаришдан бошланади. Бу жараёнда ишлаб чиқариш омиллари бирикиб, инсонларнинг турли-туман эҳтиёжларини қондирадиган неъматлар яратади.

Иқтисодчилар ишлаб чиқаришда уч марта йирик инқилоб руй берган ва шунга мувофиқ тарзда иқтисодий тараққиётда уч янги даврни бошлаб берганини эътироф этадилар.

Булар: индустриал ишлаб чиқаришга қадар бўлган тоиндустриал, индустриал (саноат) ва постиндустриал ишлаб чиқаришлардир.

Ишлаб чиқаришнинг индустриал ривожланишига қадар бўлган (тоиндустриал) босқичи қуйидаги хусусиятларга эга бўлган:

Иқтисодиётнинг дастлабки соҳаси - қишлоқ хўжалиги устувор ўринни эгаллаган;

Аҳоли асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан банд бўлган;

Ишлаб чиқариш қўл меҳнатига таянган;

Меҳнат тақсимоти ниҳоятда паст натурал хўжалик юритишга асосланган;

Аҳоли эҳтиёжлари нисбатан турғун ҳолатда бўлган.

Ишлаб чиқаришнинг бу босқичи ҳозир ҳам айрим Африка мамлакатлари (Мали, Гвинея)га хос.

Ер шари аҳолисининг кўпайиши, эҳтиёжларнинг ўсиши, уларнинг қондириш йўлларини қидиришга мажбур қилди. Бу охир-оқибат саноат тўнтаришига олиб келдики, у Англияда XVIII асрнинг 60-йилларида бошланиб, АҚШ да XIX асрнинг 50-60 йилларида яқунланди. Қўл меҳнати машиналар зиммасига юклатилди.

Индустриал босқич қуйидаги хусусиятлари билан фарқланади:

Иқтисодиётда асосий ролни машиналашган саноат ишлаб чиқариши ўйнайди;

Саноат ривожланиши бошқа муҳим тармоқлар (қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт)ни ҳам қайта қуришга олиб келади;

Аҳолининг асосий қясвди индустриал тармоқца банд бўлади;

Меҳнат тақсимотиинг чуқурлашуви рўй бериб, кўплаб янги тармоқлар вужудга келади.

Натижада иқтисодиётда ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг мураккаб шакли товар ишлаб чиқариш ривожланади;

Аҳоли урбанизацияси рўй беради;

Аҳолининг кўпчилик қисми шаҳарларда яшай бошлайди;

Ишлаб чиқариш имкониятларининг кенгайиши турли туман эҳтиёжларни қондириш учун йўл очади.

Иккинчи «демографик портлаш» иқтисодиётнинг индустриаллаштириш билан боғлиқ, кейинги 350 йилларда дунё аҳолиси 7 марта кўпайган. Дунё аҳолисини, айниқса охириги 50 йил ичида тез суръатлар билан ўсиши кузатилган.

Бунинг натижасида эҳтиёжларни қондириш билан чекланган ишлаб чиқариш имкониятлари ўртасида қарама-қаршилик кучайиб оорди. Бу қарама-қаршиликнинг XIX асрнинг 50-йилларида рўй бран Фан-техника инқилоби натижасида очилмоқда. У хўжалик ривожланиши учун келажакда ниҳоятда катта имкониятлар яратади. Постиндустриал босқич куйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

Иқтисодиётнинг муҳим соҳаси - хизмат кўрсатиш ниҳоятда тез ривожланади. Унда ишловчиларнинг 50-70% и банд бўлади;

Фан бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланади. Фан ютуқлари натижасида ишлаб чиқаришда табиатда мавжуд бўлмаган маҳсулотлар яратади:

Хужаликнинг барча тармоқларида ва маюпий мақсадлард информатика ва ҳозирги замон ҳисоблаш техникаси ютуқларидан кенг фойдаланилади.

Жисмоний ва ақлий меҳнатни автоматлаштириш кучаяди;

Корхоналарда фан ходимлари ва юқори малакали мутахасисларнинг роли тезлик билан ошиб боради;

Барча турдаги ресурсларни иқтисод қиладиган, маҳсулотни юқори сифатли бўлишини таъминлайдиган юқори технологияга ўтиш амалга оширилади;

Барча кишидарнинг энг зарур эҳтиёжларини тўла қондиришни таъминлаш, юқори даражадаги эҳтиёжларни кенгайтириш имкониятларига эга бўлинади.

Ишлаб чиқаришдан мақсад истеъмол, лекин бозор хўжалигида пировард мақсад билан товар ишлаб чиқарувчининг мақсади мос келмаслиги мумкин. Пировард мақсад истеъмол яъни, эҳтиёжни қондириш бўлса, товар ишлаб чиқарувчининг мақсади харажатларини қоплаб, фойда олишдир. Бунинг учун ишлаб чиқарилган маҳсулот тўғридан-тўғри истеъмол қишнмай, бозорда айирбошланади ва кейин истеъмолга келиб тушади.

Айирбошлаш жараёнида маҳсулотлар маълум миқдорий нисбатда бир-бирига алмаштирилади.

Айирбошлаш моддий неъмат ва хизматларнинг бир субъектдан иккинчисига ўтиш жараёнини билдиради. Тарихан олиб қарасак, айирбошлаш икки хил: маҳсулот ва товар айирбошлаш шаклида юз беради. Маҳсулот айирбошлаш бартер дейилади.

Товар ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши, ривожланиши билан товар айирбошлаш амал қилади.

Бир маҳсулотни иккинчисига пул воситасида, маълум нарх асосида, яъни олди-сотди йўли билан айирбошлаш - **товар айирбошлаш** дейилади. Бунда товар пулга айирбошланади, кейин эса бу пулга хоҳлаган бошқа товарни сотиб олиш мумкин бўлади.

Дозирги пайтда неоклассик йўналиш вакиллари айирбошлашнинг унумли экани, унинг жамият бойлиги кўпайишига таъсир кўрсатишни таъкидлайдилар.

Бу хусусда А.Маршалл шундай фикрни илгари суради. Умуман олганда инсон моддий неъматлар яратади, дейишимизнинг ўзи тўғрими? Ваҳоланки, инсон фақатгина табиат яратган нарсаларнигина фойдалироқ тарзда эҳтиёжларини қондиришга мослаштиради. Масалан, ёғочдан стол ясайди, ёки хом ашё материални шундай жойлаштирадими, уни табиатга нисбатан кўпроқ фойдали бўлишини охирига етказди. Шу нуқтаи назардан айирбошлаш, ишлаб чиқаришга ўхшаб, неъматларни маълум маконда «кўчиб юришни» таъминлаб, инсон эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга хизмат қилади. Бу жиҳатдан агар бойликни фақат моддий, қўл билан ушлаб, кўз билан кўрадиган нарса сифатида эмас, балки инсон эҳтиёжларини тўлароқ қондириш нуқтаи назаридан қарасак, айирбошлаш ҳам бойликнинг кўпайишига хизмат қилади.

Бойлик фақат моддий ишлаб чиқаришда яратилади, деб таъкидлаш хизматлар кўрсатишни назар-писанд қилмасликка охир-оқибат бу соҳа ривожланишининг секинлашишига олиб келади.

Тақсимот бу яратилган маҳсулотни тақсимлашгина бўлиб қолмай, у ресурслар ёки ишлаб чиқариш омилларини тақсимотини ҳам ифодалайди-

Тақсимот, аввало ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг яратган маҳсулотдаги ҳиссасини аниқлайди. Бу ҳисса энг аввало яратилгаа маҳсулот миқдори ва сифатига ҳамда унинг сотилишига боғлиқ. Тақсимот ва айирбошлаш ишлаб чиқариш билан истеъмолни шунчаки боғламайди. Кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришнинг самарали бўлишига айирбошлаш ва тақсимотсиз эришиб бўлмайди.

Ғарб иқтисодчилари иқтисодий хўжалик юритиш фаолиятини таҳлилини А.Смитдан бошлаб, ҳозирги таниқли иқтисодчиларгача айирбошлаш ва тақсимлаш жараёнини тадқиқ қилишдан бошлашган. Бу тасодиф эмас, чунки иқтисодиётда айирбошлаш юз берганда, тақсимот эса айрим кишиларнинг хоҳишига қараб эмас, балки объектив тарзда бозордан оладиган сигналлар асосида амалга ошганда, эркин иқтисодиёт сифатида таркиб топади. Маҳсулотларнинг мўл-кўллиги учун тақсимлаш услубларидан, яъни нархлар шаклланишни бозор механизmidан миннатдор бўлишимиз керак деган эди, асримизнинг таниқли иқтисодчиларидан Ф.Хайек.

Иқтисодий ресурслар тақсимоти нарх механизми орқали амалга ошади. Бозор иқтисодиёти шароитида тақсимот мулкчиликка боғлиқ. Яратилган маҳсулотдаш улуш ҳар бир омилнинг мулк эгаси сифатидаги ҳиссаси орқали аниқланади. Тақсимот қай тарзда бўлишига қараб, ишлаб чиқаришни фаол янгилашишига таъсир кўрсатади.

Истеъмол - ишлаб чиқариш натижаларидан фойдаланиш эҳтиёжни қондириш жараёнини ифодалайди. Истеъмол икки хил: шахсий ва ишлаб чиқариш истеъмолларига бўлинади; биринчидан тирикчилик кечириш учун одамларнинг ўзлари томонидан истеъмол қилинади, иккинчидан, ишлаб чиқаришни давом эттириш учун ишлаб чиқаришнинг ўзида акс эттирилади.

Истеъмол фаолият сифатида яқка, гуруҳий, умуммиллий тарзда юз беради. Истеъмол яна қайта маҳсулот ва хизматлар яратишни зарур қилиб қўяди.

Чексиз эҳтиёжни қондириш узлуксиз иқтисодий фаолиятни талаб қилади. Иқтисодий фаолият кишиларнинг маълум бир мақсад йўлидаги хатти-ҳаракатларини билдиради. Унинг иштирокчилари айрим кишилар, корхона, фирма, хўжалик ва давлатлар бўлиб, умумий тарзда иқтисодий фаолият субъектлари деб аталади. Улар доимо бир-бирлари билан мунтазам алоқада бўладилар.

Эҳтиёжлар тури қанча кўп бўлса шунга биноан ишлаб чиқаришнинг тармоқ ва соҳалари ҳам кенгайиб боради. Уларни ўрганиш осон бўлиши учун ишлаб чиқариш икки катта соҳага: моддий ва номоддий ишлаб чиқаришларга бўлинади.

Моддий ишлаб чиқариш соҳасида зарурий моддий неъматлар яратилади, номоддий соҳада эса турли хил маънавий бойликлар яратилади ва хизматлар кўрсатилади. Бу икки соҳа бир-бири билан чамбарчас боғланган ҳолда ривожланади ва бир-бирига таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигида аграр ислоҳот жараёнида бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган янги хўжалик тизими шаклланди ва иқтисодиётнинг давлатга қарашли бўлмаган қисми кенг ривожланди.

Республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичидаёқ қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга устунлик берилди. Бунга қуйидагилар сабаб бўлди.

Биринчидан, Республикада иқтисодиётда аграр соҳа устунликка эга, аҳолининг кўпчилиги қишлоқ хўжалигида банд, иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан: шу тармоқ аҳволига боғлиқ. Ҳозирги кунда аграр сектор ҳиссасига ялпи ички миллий маҳсулотнинг 30% дан кўпроғи тўғри келади, халқ хўжалигида банд бўлганларнинг 35 фоизга яқини қишлоқ хўжалигида ишлайди ва барча аҳолининг ярмидан кўпроғи қишлоқда яшайди.

Иккинчидан, Республика бутун саноат потенциалининг ярмига яқинини ташкил қиладиган саноатнинг кўпгина тармоқларини (пахта тозалаш, тўқимачилик, енгил, озиқ-овқат, кимё саноати, қишлоқ хўжалик машинасозлиги ва бошқалар) ривожлантириш истиқболлари бевосита қишлоқ хўжалигига боғлиқ.

Учинчидан, қишлоқ хўжалик маҳсулоалари (асосан пахта) ҳозирги вақтда валюта ресурслари, Республика учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, техника ва технология ускуналарини четдан сотиб олишни таъминлаётган асосий манбадир.

Тўртинчидан, мустақиллик шароитида қишлоқ хўжалигининг озиқ-овқат муаммосини ҳал этишдаги роли ортиб боради.

Ўзбекистонда аграр ислоҳотнинг негизи ерга бўлган мулкчилик масаласидир. Республика Конституциясида ер хусусий мулк қилиб сотилиши мумкин эмаслиги, балки уни узок муддатли ижара шартлари билан топшириш мумкинлиги таъкидланган,

Шундай экан, қишлоқда бозор муносабатларини шакллантиришга ерни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод фойдаланиш учун уларга бериб қўйиш орқали эришиш кўзда тутилган.

Республикада ерга бўлган мулкчилик муносабатларини ислох қилишнинг бошқа хусусияти шундан иборатки, мелиорация, ирригация, ерларнинг унумдорлигини ошириш дастурларини бажаришни давлат ўз зиммасига олади. Буни биздаги деҳқончиликнинг хусусияти тақозо қилади. Бу хусусият фақат суғориладиган ерларга хосдир, Республикада барча ҳайдаладиган ерларнинг 3/4 қисмидан кўпроғи (4,2 млн.га) суғориладиган ерлар бўлиб, унинг ярмидан кўпроғи яхши мелиоратив ҳолатда, қолган ерлар эса мелиорация ишлари (қайта ўзлаштириш, коллектор-дренаж тармоқларини реконструкция қилиш)ни олиб боришни талаб қилади. Ҳозирги вақтда суғориб деҳқончилик қилинадиган ҳар гектар ерни қайта ўзлаштириш учун 1990 йилги даражадан 14-15 баравар кўп харажат талаб қилинади. Бундан хулоса шуки, бирорта ҳам фермер ирригация ва мелиорация ишларини ўзи мустақил амалга ошира олмайди. Фақат давлатгина мелиорация тармоқларини реконструкциялашга, қуришга ва ирригация тадбирларини амалга оширишга қодирдир.

Президентимиз И. Каримов таъкидлаб ўтганларидек, ҳозирги босқичда «эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш нафақат иқтисодий, балки ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий вазифаларни ҳал қилишнинг асосий шартидир»¹- Бу эса иқтисодиёт соҳасида қуйидаги аниқ вазифаларни амалга оширишни кўзда тутади.

~ Иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан ўтказиш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш;

Хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш ва шу асосида амалда мулкдорлар синфини шакллантириш;

Мамлакат иқтисодиётига хориз сармоясини, аввало, бевосита йўналтирилган сармояларни кенг жалб этиш учун қулай ҳуқуқий шарт-шароит, қафат ва иқтисодий омилларни янада кучайтириш, Кичик ва ўрта бизнес иқтисодий тараққиётда устивор ўрин олишига эришиш;

Мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодий тизимида кенг кўламда интеграциялашувини таъминлаш; Иқтисодиётда мамлакатимиз иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш.

Моддий ва маънавий неъматларни яратиш, хизматлар кўрсатиш инсон ҳаёти, унинг яшаши ва камол топиши учун моддий асосдир. Шунинг учун ишлаб чиқаришнинг тўхтовсиз такрорланиш ва уни ривожлантириш ҳар доим энг муҳим иқтисодий қонуният ва объектив заруриятдир.

1.2. Ишлаб чиқариш жараёнининг таркибий қисмлари

Ишлаб чиқариш жараёни - бу кишиларнинг истеъмоли учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни яратигига қаратилган мақсадга мувофиқ фаолиятидир. Моддий ва маънавий неъматлар яратиш, турли хизматлар кўрсатиш жараёни кишилар фаолиятининг асосий томони, чунки бу жараёнда кишилар ўртасида бўладиган муносабатлар бошқа ҳамма соҳаларда - айирбошлаш, тақсимот ва истеъмол соҳаларида рўй берадиган муносабатларнинг хусусиятларини ва йўналишини белгилаб беради.

Маълумки, ҳар қандай ишлаб чиқариш, биринчи навбатда, меҳнат жараёнидир ёки бошқача қилиб айтганда, табиатда бор нарсаларнинг кўринишини ўзининг истеъмоли учун мувофиқ ҳолга келтириш учун қилинган фаолиятдан иборатдир. Ана шу меҳнат жараёнида кишилар, энг аввало, табиат билан, унинг кучлари ва ашёлари билан ҳамда бир-бирлари билан ўзаро маълум муносабатда бўладилар. Ишлаб чиқариш жараёнида бўладиган бу муносабатларнинг характерини, шаклларини ва хусусиятларини ўрганиш ва уларни билган ҳолда ишлаб чиқаришни онгли ташкил этиш олий мақсадга, яъни чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланилган ҳолда кишиларнинг ўсиб боровчи эҳтиёжларини қондириш мақсадига эришишнинг бирдан-бип йўлидир. Моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг ички қонуниятлари ва унинг ривожланиш хусусиятлари кўпгина иқтисодчи олимлар томонидан

кўрсатиб берилган. Улар меҳнат кипшлар яшашининг умумий асосидир деб таърифлайдилар. Демак, меҳнат истеъмол қийматларини яратувчи сифатида, фойдали меҳнат сифатида кишиларнинг яшаши учун ҳеч қандай ижтимоий шаклларга боғлиқ бўлмаган ҳолда абадий табиий заруриятдир. Меҳнат бўлмаганда киши билан табиат ўртасида модда алмашинуви ҳам мумкин бўлмас эди.

Кишилар ўзларининг онгли мақсадга мувофиқ унумли меҳнати билан табиат моддаларининг шаклларини ўзгартирадилар ва истеъмоли учун зарур бўлган маҳсулотни вужудга келтирадилар. Меҳнат жараенида кишилар би-лан табиат ўртасида моддалар алмашинуви билан бирга инсоннинг ўзи ҳам ҳар томонлама камол топиб боради, яъни кишилар ўзининг меҳнатга бўлган қобилятини, билимини опшради ва уларни амалда қўллашни кенгайтириб боради.

Шундай қилиб, меҳнат жараёни истеъмол қийматларни вужудга келтириш учун мақсадга мувофиқ қилинадиган ҳаракатдир, табиат яратган нарсаларни киши истеъмоли учун ўзлаштириб олишдир, киши билан табиат ўртасидаги модда алмашувининг умумий шартидир, киши ҳаётининг абадий табиий шароитидир.

Ишлаб чиқариш жараёни инсоният тараққиётининг ҳамма ичларига, ҳамма мамлакатларга, эл-юртларга ва халқларга хос бўлиб, умуминсоний категориядир (тушунчадир). Шунинг учун бу жараен узоқ тарихга эга бўлиб, оддий тош ва ёғоч ллардан фойдаланиб, энг содда овчилик ва деҳқончилик қилишдан тортиб то ҳозирги замон мураккаб технологиясига асосланган

роботсозлик, самолётсозлик, компьютер техникаларини, замонавий радио ва телевидение воситаларини ишлаб чиқаришгача бўлган йўлни босиб ўтган.

Ишлаб чиқаришнинг энг йирик соҳалари саноат, қишлоқ хужалиги, транспорт ва алоқа, қурилиш, савдо, тайёрлов идоралари, моддий - техник таъминот, коммунал ва уй - жой хўжаликлари, турли хил хизмат кўрсатиш соҳалари ва бошқалардан иборат. Ҳар бир мамлакат ўз тараққиётининг шу даврдаги босқичи учун зарур ва қулай бўлган тармоқлар таркибини вужудга келтиришга ҳаракат қилади. Бунда ресурслар чекланганлиги ҳисобга олиниб ишлаб чиқаришни ўстириш ва халқнинг талабини қондириш учун ўта зарур бўлган, мамлакат мудофаа қобилятини мустаҳкамлашга, чет эллар билан бўладиган ҳамкорликни юксалтиришга имкон берадиган тармоқларга алоҳида эътибор берилади.

Турли мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги қарор топаётган ҳозирги даврда аҳолига турли хизматлар кўрсатиш миқдори ҳам ўсмоқда. Бу эса Республикамиз ҳукуматининг кейинги йилларда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш учун олиб бораётган комплекс тадбирлари /индивидуал меҳнат фаолияти, кооперация, ижара пудрати, ер, мулк, тадбиркорлик, солиқлар тўғрисидаги қонунлар/ натижасидир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида меҳнат фаолиятининг муҳим томони бўлган уй хўжалиги имкониятларидан фойдаланиш /касаначилик, хунармандчилик, нонвойлик, уй боғча ва яслилари очиш, репетиторлик, кўшимча дарс ўтиш/ ички имкониятлардан фойдаланишнинг муносиб йўллари билан бири ҳисобланади, чунки бу усул кўшимча бинолар қурилишини талаб қилмайди ва маблағни тежашга имкон беради ва шу билан бирга хизматлар турини ва миқдорини кўпайтиради.

Маълумки, бизда иш вақтининг анчагина қисми уй-рўзғор ишларига тўғри келмоқда. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, мамлакат аҳолиси уй-рўзғор ишларига йилига сарфлаган вақт ижтимоий ишлаб чиқаришга сарфланган иш вақтига қараганда кўпроқ экан. Бунинг устига уй-рўзгор ишлари талайгина қувватни талаб қилади. Ушбу ва шунга ўхшаш бошқа мисоллар маиший хизматлар кўрсатиш соҳаларини янада ривожлантириш, уй-рўзғор ишларини механизациялаш имконини берадиган машина ва асбоб - ускуналарни кўпайтириш ишлаб чиқаришни талаб этади. Эҳтиёжлар тури қанча кўп бўлса шунга биноан ишлаб чиқаришнинг тармоқ ва соҳалари ҳам кенгайиб боради. Уларни ўрганиш осон бўлиши учун ишлаб чиқариш икки катта соҳага: моддий ва номоддий ишлаб чиқаришларга бўлинади.

Моддий ишлаб чиқариш соҳасида зарурий моддий неъматлар яратилади, ва моддий соҳада эса турли хил маънавий бойликлар яратилади ва хизматлар кўрсатилади. Бу икки соҳа бир-бири билан чамбарчас боғланган ҳолда ривожланади ва бир-бирига таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқаришнинг чекланган ресурслардан фойдаланган ҳолда кишилар эҳтиёжини қондиришга қаратилиши ва шунга зарур бўлган сифат ва миқдорда истеъмол қиймати яратишни бош мақсад қилиб қўйиши унинг ижтимоий йўналишини ифода этади. Лекин бу умумий ижтимоий йўналиш аниқ кишиларнинг, тадбиркорларнинг манфаати билан боғлангандагина амалга ошади. Бозор иқтисодиёти шароитида ёки унга ўтиш даврида ҳар бир мулк эгаси ёки тадбиркор маълум миқдорда фойда олишга, сарфланган воситаларига, пул маблағларига нисбатан кўпроқ қийматга эга бўлишни мақсад қилиб қўяди. Шунинг учун ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёни бир томондан, истеъмол қийматларини яратиш жараёни бўлса, иккинчи томондан, қийматнинг ўсиш жараёни ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш жараёнининг бу икки томонини қуйидагача ифода этишимиз мумкин. Ишлаб чиқариш жараёни икки томонлама таҳлил қилиб ўрганилганда уни тўғри тушуниш мумкин бўлади. Бу ерда шуни ҳисобга олиш лозимки, олдинги ишлаб чиқариш жараёнидан чиққан ишлаб чиқариш воситалари қиймати кўпаймаган ҳолда ўзи қанча бўлса, шу миқдорда аниқ меҳнат билан ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қийматига ўтказилади. Бу ишлаб чиқариш жараёнида қатнашаётган айрим табиий кучлар қийматга эга эмас, шунинг учун улар истеъмол қийматини ҳосил қилишда омил сифатида қатнашса ҳам, лекин қийматнинг ташкил топишида қатнашмайди. Ишлаб чиқариш жараёнининг икки томонлама табиати унинг натижаларининг ҳам икки томони борлигини кўрсатади. :

1.3. Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш омиллари ва унинг таркиби.

Моддий ва маънавий неъматларни яратиш, хизматлар кўрсатиш инсон ҳаёти, унинг яшаши ва камол топиши учун моддий асосдир. Шунинг учун ишлаб чиқаришнинг тўхтовсиз такрорланиши ва уни ривожлантириш ҳар доим энг муҳим иқтисодий қонуният ва объектив заруриятдир.

Ҳар қандай жамиятда ишлаб чиқаришнинг амалга ошиши, энг аввало унинг рўй бериши учун бу жараёнда қатнашадиган омиллар мавжуд бўлмоғи лозим. Иқтисодиётнинг тизими ва шаклидан қатъий назар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишнинг ҳамма соҳалари учун умумий бўлган учта омил: ишчи кучи, меҳнат қуроллари ва меҳнат предметлари бўлиши шарт.

Ишчи кучи деб, инсоннинг меҳнат қилишга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятларининг йиғиндисига айтилади. Ишчи кучи меҳнат қобилиятига эга бўлган кишилар учун ҳосдир. Лекин ишчи кучи инсоннинг ўзи эмас ёки унинг меҳнати ҳам эмас, унинг қобилиятидан иборатдир.

Меҳнат қуроллари деб, инсон унинг ёрдамида табиатга, меҳнат предметларига таъсир қиладиган воситаларга айтилади (машиналар, станоклар, тракторлар, қурилмалар, ускуналар ва бошқалар). Меҳнат предметлари эса бевосита меҳнат таъсир қиладиган, яъни мақсулот тайёрланадиган нарсалардир (ер-сув, хом-ашё ва бошқа турли материаллар). Меҳнат предметлари табиатда тайёр ҳолда учраши мумкин ёки олдинги даврдаги меҳнат маҳсулоти, яъни хом-ашё бўлиши мумкин. Меҳнат қуроллари ва меҳнат предметлари биргаликда ишлаб чиқариш воситалари деб юритилади. Бу эса меҳнат жараёнининг табиатидан келиб чиқади; шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш воситалари ҳамма ижтимоий-иқтисодий тизимлар, инсоният жамияти тараққиётининг ҳамма босқичлари учун ҳосдир.

Меҳнат воситаларини меҳнат предметларига таъсир этиш характерига кўра, бир нечта катта гуруҳларга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга машиналар, механизмлар, станоклар, ускуналар бошқалардан иборат меҳнат қуролларини киритиш мумкин. Уларнинг ёрдамида ишчи табиат ашёлари ва кучларига бевосита таъсир қилади ва бу ашёларни ўзининг истеъмоли учун зарур бўлган шаклга келтиради.

Иккинчи гуруҳга материалларни сақлаш учун мўлжаллаган меҳнат воситалари /цистерналар, турли хил бочкалар, қувурлар омборлар ва бошқалар/ киритилади.

Учинчи гуруҳга ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашмайдиган меҳнат воситалари киради. Лекин бу воситаларсиз ишлаб чиқариш жараёнининг амалга ошиши мумкин эмас ёки тўла самарали амалга ошмаслиги мумкин. Буларга бинолар, йўллар бошқалар мисол бўла олади.

Ҳозирги. фан-техника инқилоби даврида ишлаб чиқаришни ривожланишида меҳнат предметларининг аҳамияти ошиб бормоқда. Материалларнинг табиатда тайёр ҳолда учрамайдиган янги турлари яратилмоқда. Ишлаб чиқариш омиллари инсоният тараққиётини ҳамма босқичлари учун умумий бўлса-да, бу омилларга турли адабиётларда турлича таъриф беришади ва уларни турлича тушунтиришади.

Жумладан, «Сиёсий иқтисод» дарсликларида ишлаб чиқаришнинг икки омили: моддий ва шахсий омиллари мавжудлиги тан олинади. Бунда меҳнат куруллари ва меҳнат предметлари (ер-сув ер ости бойликлари каби табиий бойликлар ҳам) ишлаб чиқариш воситалари дейишади ва ишлаб чиқаришнинг моддий омилини ташкил этади, ишчи кучи эса унинг шахсий омили деб юритилади. Ҳозирги бозор иқтисодига доир кўпчилик адабиётларда эса ишлаб чиқаришнинг тўрт омили: меҳнат, капитал, ер-сув, тадбиркорлик қобилияти тан олинади. .

Бу ерда ишчи кучи билан меҳнат ўртасидаги фарқни англаб олиш жуда муҳимдир. Бизга маълумки, меҳнат турли омилларнинг ҳаракат жараёнидир. Ишчи кучи, юқорида айтганимиздек, инсоннинг меҳнатга бўлган ақлий ва жисмоний қобилияти, унинг билим, малака даражаси билан биргаликда ишлаб чиқаришда қатнашишига тайёр турган омил бўлиб хизмат қилади. Меҳнат эса ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучининг қўшилиши натижасида содир бўладиган ва маълум самара олишга қаратилган фаолиятдир.

Шунинг учун меҳнат эмас, балки ишчи кучи ишлаб чиқаришнинг омилдир ва ишлаб чиқариш омиллари ишчи кучи, капитал, ер-сув ва тадбиркорлик қобилиятидан иборат бўлади.

Ишчи кучи инсоннинг меҳнатга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятларининг йиғиндиси бўлганлиги учун бозор иқтисодиёти даврида инсон эмас, меҳнат жараёни ҳам эмас, балки ишчи кучи сотилади, унинг бозори бўлади. Шунинг учун ҳозирги кунда кенг қўлланилаётган меҳнат бозори тушунчаси ўрнига яшчи кучи бозори, меҳнат ресурслари ўрнига ишчи кучи ресурслари дейилса тўғри бўлар эди- Ишчи кучи асосий ишлаб чиқарувчи кучдир. Чунки у ҳамма моддий воситаларни ва пул маблағларини ҳаракатга келтиради ва улардан унумли фойдаланади.

Капитал тушунчаси ҳам турли адабиётларда турлича талкин қилинади. Кўпчилик капитал тушунчасини тарихий тушунча деб қараб, унинг капитализмга хослигини исботлайди ва капитални ўз эгасига қўпшича қиймат келтирувчи қиймат, ўз-ўзидан кўпаювчи, ўсувчи қиймат деб ҳисоблайди. Ҳозирги даврдаги айрим ғарб иқтисодчилари ҳам, масалан, Дж. Кларк, Л. Вальрас, И. Фишерлар капитални даромад, фойда ва фоиз келтирувчи қиймат деб қарайдилар.

Ғарб адабиётлари, («Экономикс»)да ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида қўлланиладиган моддий воситалардан, яъни ҳамма турдаги машиналар, асбоб-ускуналар, иншоотлар, завод-фабрикалар, омборлар, транспорт воситалари ва бошқа шу кабилардан иборат деб кўрсатади, унга пул ва товарни киритмайди. Бундан кўриниб турибдики, айрим иқтисодчилар капиталистик иқтисодий тизимнинг социал моҳиятини очиш учун масалага бир томонлама қараб, ишлаб чиқариш омилларининг қийматига эътиборни кучайтирган. Ғарб адабиётларининг айримларида капитални бир томонлама, яъни унинг қиймат тарафини эътиборга олган бўлса, бошқаларида эса иқтисодий тушунчаларнинг тарихийлигини эътибордан четда қолдириб, унинг моддий объектини, нарса ва ҳодисаларнинг ашёвий томонини кўрсатадилар. Шунинг учун улар капитални доимий, ўзгармас тушунча деб, ишлаб чиқариш воситаларини капитал деб атайдилар. «Капитал» тушунчасига ҳар хил ёндашувлар, бу бир томондан унинг моддий ва ашёвий кўриниши, иккинчи томондан эса унинг қиймат кўриниши эътиборга олинганлигидир. Умумий маънода капитал тушунчаси ўз эгаларига даромад келтирадиган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг ҳамма соҳаларида ишлатиладиган ишлаб чиқариш воситаларини, сотишга тайёр турган товарларни, янги воситалар ва ишчи кучини сотиб олишга мўлжалланган пул маблағларини, уларнинг ашёвий томони ва қийматининг бирлигини англатади.

Бу ерда капитал турли шаклда: пул, ишлаб чиқариш воситалари, товар ва бошқа моддий воситалар шаклида бўлиши мумкин.

Иқтисодий ресурс сифатида жисмоний капитал дейилганда инсон томонидан вужудга келирилган барча ишлаб чиқариш воситалари тушунитлади.

Ҳамма адабиётларда ерга деярли бир хил тушунча берилади, унга ер-сув, ўтлоқлар, яйловлар, сув, ҳаво, ўрмон, қазилма бойликлар, умуман табиий ресурслар киритилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида алоҳида ўзига хос омиллардан бири тадбиркорлик қобилиятидир.

Тадбиркор деб, иқтисодий ресурслар: ишлаб чиқариш воситалари[^] ишчи кучи ва табиий ресурсларнинг бир-бирига кўшилишини таъминлайдиган ташкилотчи, янгиликка интилувчи ташаббускор[^] иқтисодий ва бошқа хавф-хатардан кўрқмайдиган кишиларга айтилади; Бу хислатлар эса тадбиркорлик қобилияти деб юритилади. Ҳозирги даврда айрим адабиётларда ахборот ва унинг воситаларини, экологияни ҳам алоҳида омил деб кўрсатадилар. Бизнинг фикримизча улар ер ва капиталда ўз ифодасини топади. Ишлаб чиқариш жараёнида биз юқорида санаб ўтган омилларнинг ҳаммаси қатнашади, улар бир-бирини тўлдиради, бир-бирига таъсир қилади. Улардан бири бўлмаса ишлаб чиқариш бўлмайди ёки самарасиз бўлади, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Икки ёки бир нечта ишлаб чиқариш омилларининг бир-бирига ўзаро таъсири натижасида вужудга келган маҳсулот (товар ёки хизмат) ҳажмининг ўзгариши ишлаб чиқариш функцияси дейилади. Ишлаб чиқаришнинг омиллари доимо бир хил бўлиб турмайди, улар сифат ва миқдор жиҳатдан ўзгаришда, ривожланишда бўлади. Ишлаб чиқариш воситалари ривожланиб, борган сари мураккаб машиналар, асбоб-ускуналар, станоклар вужудга келади. Шунингдек ишчи кучи ҳам онги, малакаси ошган, янги машиналарни яратадиган, улардан унумли фойдаланадиган бўлиб боради.

Ишлаб чиқариш омиллари бир-бирига боғлиқ ва ўзаро таъсирда бўлади, бирининг ўзгариши иккинчисига таъсир қилади. Ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро таъсир усули технологияда ўз ифодасини топади. Кишилар буюмларнинг илгари маълум бўлмаган хусусиятларини англаб, товар ва хизматларнинг янги турларини тайёрлаш сирларини билиб оладилар, илғор технологияни қўллайдилар, янги материаллардан, энергия турларидан фойдаланадилар. Ишлаб чиқариш омилларининг ва технологиянинг ўзгариши ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг мазмуни ва шаклининг ўзгаришига, унинг такомиллашувига сабаб бўлади.

Барча тармоқ ва соҳа маҳсулот ва хизматларига бўлгани сингари қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг тўхтовсиз ва ўсиб бораётган истеъмоли унинг ишлаб чиқариш жараёнини такрорланиб ва янгиланиб туришини, яъни такрор ишлаб чиқаришни зарур қилиб қўяди.

Қишлоқ хўжалигида ҳам такрор ишлаб чиқариш икки хил: оддий ва кенгайтирилган бўлади.


Оддий такрор ишлаб чиқаришда жамғариш бўлмаганлиги учун ишлаб чиқариш жараёни илгариги ҳажмда, яъни ўзгармаган ҳолда такрорланади.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш ҳажми, жамғармадан фойдаланган ҳолда, кенгайган тарзда такрорланиб, янгиланиб туради.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришда экстенсив ва интенсив йўлларида фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни ўстириш учун куйидаги омиллардан фойдаланилади.

Экстенсив омилларга ишлаб чиқариш ресурсларининг миқдорини акс эттирадиган миқдорий омиллар киради. Ходимлар сонининг, экин майдонларининг, моллар бош сонининг, асосий ва материал айланма воситалар ҳажмининг кўпайиши ёки камайиши ялпи маҳсулот миқдорининг ўзгаришига олиб келади. Лекин қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ресурслари – иш кучи, ер, озуқа, чорвачилик бинолари ва бошқалар – чегаралангани учун экстенсив асосда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш асосий омил ҳисобланмайди.



1.3.1. Расм. Қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот миқдори таъсир этувчи омиллар.

Шунинг учун, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришни, ҳаракатдаги ресурслар потенциалидан фойдаланишни сифат жиҳатдан яхшилашга асосланган интенсив омиллар асосида кўпайтириш мақсадга мувофиқдир. Бу омиллар ичида ҳал қилувчи қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва ҳайвонлар маҳсулдорлигини оширишдир. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига маблағни кўпайтириб, меҳнат, ер ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиб, мавжуд ўзлаштирилган ер ресурслари ва мавжуд мол бош сонидан қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва моллар маҳсулдорлигини ошириш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулот миқдори экин майдонлари ва пода обороти таркиби муҳим таъсир кўрсатади. Экин майдонлари таркибини такомиллаштириш деганда, ҳосилдорлиги паст экинлар ўрнига ҳосилдорлиги юқори бўлган экинларни алмаштириб, уларнинг салмоғини ошириш тушунилади. Анча юқори ҳосилли экинлар билан экин майдонларини янада кенгайтириш деҳқончилик маҳсулотлари ялпи ҳосилини кўпайтириш имконини беради.

Чорвачиликда пода обороти таркибини такомиллаштириш, подада анча маҳсулдорли молларни, шунингдек подада соғин сигирлар, она қўйлар, эчкилар ва бошқалар салмоғини ошириш тушунилади.

Подада сигирлар салмоғини ошириш деганда, масалан бир бош сигирдан озуқани кам миқдорда оширган ҳолда сут ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш тушунилади.

Мамлакат озиқ – овқат фондиди кўпайтиришнинг муҳим манбаи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларидаги йўқотишларни тугатиш, улардан фойдаланишни яхшилашдир. Чунки ҳар йили ишлаб чиқариш, сақлаш, ортиш-тушириш қоидаларига амал қилмаслик, шунингдек маҳсулотнинг сифатини бузилиши ҳисобига неча миллионлаб сўм зарар кўрилмоқда.

II-боб. Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш омилларида фойдаланиш ва маҳсулот ишлаб чиқариши динамикасининг ҳозирги ҳолати таҳлили

2.1. Фермер хўжалигини ташкил этилиши, ихтисослашуви ва ишлаб чиқариш имкониятлари ҳолати

Ўзбекистонда барча соҳа тармоқларда булгани сингари аграр тармоқда ҳам олиб борилган туб иқтисодий ислохотлар узининг ижобий натижасини курсатмоқда. Мамлакатда амалга оширилган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ишлари тармоқда давлат мулкни ислох қилиш, давлат хужалиklarини тугатиш ва унинг негизида жамоа мулкига асосланган ширкат хужалиklarини тузиш билан амалга оширилиб, ислохотлар босқичида ширкатлар негизида фермер хужалиklarини ташкил қилиш ишлари давом эттирилди.

Ўзбекистонда «Фермер хужалиklarини ривожлантиришнинг 2003-2008 йилларга мулжалланган концепцияси»га асосан усимликчиликка ихтисослашган барча ширкатлар тугатилиб унинг негизида фермер хужалиklари ташкил этилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув хужалиги вазирлиги тасарруфида 126 та чорвачиликка ихтисослашган ширкат хужалиklари фаолият юритиб келмоқда холос.

Косон туман хокимининг 200... йилдагисонли қарорига асосан тумандаги кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида “**Давлатбек Эркин ўғли**” фермер хўжалиги ташкил этилди. Фермер хужалиги туғрисидаги қонуннинг 32-моддасига асосан фермер хужалигига туман захира ер фонди ҳисобидан дастлаб-гектар ер усимликчиликка (пахта, галла) маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган ҳолда йилкундан эътиборан узок муддатли(49 йил) ижара шартномаси тузиш орқали берилган.

Фермер хужалиги узининг думалок ва турт бурчакли муҳри, туман солиқ инспекциясига Инн рақами ва банк реквизитларига эга. Туман кишлоқ ва сув хужалиги бўлими фермер хужалигининг юқори ташкилоти ҳисобланади.

2009 йилда фермер хужалиklarининг ер майдонлари ўлчамини оптималлаштириш туғрисидаги Президент қарорига асосан жойларда фермер хужалиklари ер майдонлари ўлчамини қайта қуриб чиқиш, мақбуллаштириш ишлари олиб борилди ва шунга асосан, Косон туман хокимининг йилкундагисонли қарорига асосан **Давлатбек Эркин ўғли** фермер хўжалигига қушимча ер майдонлари ажратиб берилган ва умумий ер майдони 74,8 гектарни ташкил этмоқда.

Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш мамлакат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, бугунги кунда фермерликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

2013 йилда Президент И.А.Каримовнинг ташаббуси билан “Ўзбекистон Фермерлар Кенгаши” ташкил этилди. Бу фермерликни ривожлантириш учун қўйилган янги бир қадам бўлди.

Мамлакат иқтисодиётининг ривожига аграр тармоқнинг улуши катта бўлиб, тармоқ ривожининг асосий қисмини фермер хўжалиги ишлаб чиқариши ташкил этмоқда. Бугунги кунда стратегик аҳамиятга эга бўлган пахта хом ашёсининг 99,9 фоизи, ғалланинг 90 фоизи фермер хўжалиklари ҳиссасига тўғри келмоқда.

????????????????????????????????????

2.2. Фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижалари ва уларни акс эттирувчи иқтисодий кўрсаткичлар тизими таҳлили

Ҳар бир корхона ёки ишлаб чиқариш бўғинида турли омилларнинг биргаликда ишлатилиши натижасида маҳсулот, яъни товар ва хизматлар вужудга келади. Юзаки қараганда ҳар бир корхонадаги индивидуал ишлаб чиқариш бир-биридан ажралган ҳолда мустақилга ўхшаб кўрилади. Аммо хилма-хил товарлар ва ресурсларнинг узлуксиз оқимида индивидуал маблағларнинг ҳаракатлари бир-бири билан қўшилиб, ўралиб чатишиб кетади. Чунки айрим олинган индивидуал ишлаб чиқарувчиларнинг фаолияти ва айрим маблағлар, маҳсулотларнинг ҳаракати ўзаро боғлангандир. Шу сабабли, индивидуал меҳнатларнинг ҳаракати қўшилиб кетиши, бутун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг, жами яратилган товар ва хизматларнинг ҳаракатини билдиради. Демак, ижтимоий ишлаб чиқариш ўзаро боғланган ва алоқада бўлган барча индивидуал ишлаб чиқаришларнинг йиғиндисидир. Ҳар бир индивидуал ишлаб чиқариш, унинг сармояси ва ресурслари эса ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ажралмас бир бўлагидир.

Ижтимоий ишлаб чиқариш, яъни турли омилларнинг ҳаракати натижасида жуда кўп турдаги товарлар ва хизматлар массасидан иборат бўлган миллий маҳсулот вужудга келади.

Ялпи миллий маҳсулот - бу маълум вақт давомида, масалан, бир йилда яратилган ва бевосита истеъмолчиларга бориб етадиган барча тайёр маҳсулот ва кўрсатилган хизматларнинг бозор баҳосидаги қиймати. Миллий маҳсулот моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари йиллик фаолиятининг умумий натижаси ҳисобланади. Ички миллий маҳсулот ҳам худди шу мазмунда тушунилади.

Ялпи миллий маҳсулот билан ички миллий маҳсулотнинг фарқи шундаки, ялпи миллий маҳсулотга мамлакат ичидаги ва бошқа мамлакатлардаги миллий ишлаб чиқарувчилар вужудга келтирган маҳсулотлар[^] қиймати киради.

Ички миллий маҳсулотда эса мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган барча маҳсулот ва хизматлар (бошқа мамлакатлар корхоналари, қўшма корхоналарда яратилган ҳамма товар ва хизматлар қўшшшб) ҳисобга олинади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ички миллий маҳсулот кўрсаткичи ҳисобга олинмоқда.

Моддий буюмларнинг ишлатилиши, ишлаб чиқариш ёки шахсий истеъмол воситаси бўлиб хизмат қилишга мувофиқ миллий маҳсулот ўзининг натурал буюмлашган шакли бўйича икки қисмдан: ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол товарларидан ташкил топади. Кейингиси ўз навбатида истеъмол буюмларидан ва аҳолига кўрсатилган турли хизматлардан иборат бўлади. Ҳозирги даврдаги бозор иқтисодиётига доир адабиётларда ишлаб чиқариш омиллари билан унинг натижалари ўртасидаги боғлиқликни ишлаб чиқариш функцияси деб аташади. Масалан, Ишлаб чиқариш омиллари ер /Е/, капитал /К/ ш ишчи кучи /И/дан иборат деб фараз қилсак, олинган маҳсулотни /М/ дан иборат деб олсак, ишлаб чиқариш функцияси $M=f(E, K, I)$ кўриниш олади.

Бу формула ишлаб чиқаришга жалб қилинган омилларининг, яъни сарфларнинг ҳар бирлиги эвазига олинган маҳсулотни билдиради ва эътиборни кам ресурс сарфлаб, кўпроқ маҳсулот олиш имкониятини қидиришга қаратади. Ундан ташқари, бу кўрсаткич ҳар бир маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга ва кўпайтириш мўлжалланган маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқаришга қанча ресурс сарфи талаб қилинишини аниқлаш имкониятини беради. Дехқон ва фермер хўжаликларини самарали юритишга эришиш кўп жиҳатдан хўжалик фаолияти таҳлили қабул қилинган, ижро учун белгиланган ва ижро этилган қарорлар, айрим агротехник амалларни, тижорат битимлари қай тарзда бажарилганлиги баҳоланишини кўзда тутди. Бунда хўжаликда ҳисоб-китоб тегишли даражада йўлга қўйилган бўлиши керак. Таҳлилнинг бош вазифаси – пул маблағларининг, капитал қўйилмаларининг маҳсулот бирлигига меҳнат ва моддий ресурсларни солиштирма сарфини камайтирган ҳолда кишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва сотиш имкониятларини аниқлашдир.

Амалда ҳамиша ва ҳар бир хўжаликда фермер ёки деҳқон хўжалигининг иқтисодий таъминоти яхшиланиши ва рақобат қобилияти ошиши учун ундаги яширин имкониятлари мавжуд бўлган заҳираларни аниқлаш мумкин.

Фермер хўжалигида ўтказиладиган иқтисодий таҳлил фаолият йўналиши, шунингдек, кўрсаткичлари ўхшаш бўлган яқин орадаги фермер хўжалиги ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарида ўз хўжалигидан тўпланган кўп йиллик иш тажрибаси мужассамлашган ахборотларга асосланиши керак. Бундай ахборотни олиш учун турли манбалардан – статистика бюллетенлари ва тўпламларидан, бухгалтерия ҳисобларидан, даврий нашрлардан, турли ихтисосдаги фермер хўжаликларининг асосий ишлаб чиқариш ва иқтисодий моделлари ишланмалари ва бошқалардан фойдаланилади.

Таҳлил жараёнида фойдаланиладиган тадқиқот усулларига қуйидагилар кириши мумкин: нисбий ва ўртача миқдорларни, кўрсаткичларни қиёслаш, гуруҳларга бўлиш, кўрсаткичларнинг балансли боғланиши ва бошқалар орасида энг кенг тарқалгани қиёслаш усулидир. У таҳлил этилаётган фермер хўжалигининг фаолият натижалари белгиланган нормативлар, туман, вилоят, республика бўйича қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши кўрсаткичлари билан қиёсланади.

Бунда қиёсланаётган кўрсаткичларнинг тўлиқ таққосланишига эришиш керак. Чунки бир хил миқдорларни солиштириш имкони йўқ. Чунончи, ялпи ёки товар ишлаб чиқаришни, агар у турли йилларда бир хил бирликда ифодаланган бўлса, солиштириб бўлмайди. Шу муносабат билан қиёслаш бошлангунига қадар ҳисобланадиган вариантдаги бирча кўрсаткичлар бир-бири билан солиштириб чиқилиши лозим. Иқтисодий таҳлил фермер хўжалиги фаолиятининг ўрганилаётган даври қамровидан келиб чиққан ҳолда якуний, жорий, амалий ёки дастлабки, бўлиши мумкин. Бинобарин, хўжалик ишнинг тугалланган йилдаги натижалари бўйича унинг молиявий – хўжалик фаолиятини ҳар томонлама қамраб олган якуний таҳлил ўтказилади. Бундай таҳлил ёрдамида фаолият самарадорлигини фақат яқин даврда, масалан, кейинги йилдагина эмас, балки узок йиллар мобайнида ошириш имкониятлари аниқланади.

Жорий таҳлил якуний таҳлилдан фарқли ўларок, хўжалик фаолиятининг муайян давр, масалан, ой, чорак, ярим йил мобайнидаги ёки маълум вақт ичида амалга оширилган иш натижаларини қамраб олади. Жорий таҳлилнинг фойдали жиҳати шундаки, бунда у ёки бу иш тугалланмаган, ишлаб чиқариш жараёнида унинг ҳажмини оширишга киришиш учун йўл очиб берувчи фойдаланилмаётган имкониятларни топиш учун шароит яратади.

Амалий таҳлил шунинг учун мунтазам ўтказиладигани, у маҳсулот ишлаб чиқариш ёки етиштириш, уларни сотиш, тижорат битимлари ва муайян вақт давом этувчи бошқа хўжалик амалларини адо этиш жараёнига ўз вақтида таъсир кўрсатиш имкониятига эга.

Олдиндан ўтказиладиган таҳлил фермерга хўжаликда амалга оширилаётган тадбирларга аввалдан баҳо бериш ёки энг мақбул ва мувофиқ йўллари танлаш талаб этиладиган ҳолларда зарур.

Иқтисодий таҳлилнинг қайд этиб ўтилган барча турлари ўзаро алоқада бўлиб, бир-бирини тўлдиради. Бу бошқа хўжаликлар каби фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳам ишлаб чиқариш ва молиявий хўжалик фаолиятига аввал фойдаланилмаган имкониятларни жорий этиши учун ёрдам беради.

Хўжаликдаги иш кўрсаткичлари яқунларига тўсқинлик қилувчи муаммоларни иқтисодий жиҳатдан ўзликсиз ўрганиш имконини берувчи амалий таҳлил фермер учун айниқса катта аҳамиятга эга. Амалий таҳлилсиз турли камчиликларга, кейинчалик тузатиш имкони йўқ ҳолларга йўл қўйилиши мумкин.

Бу ва юқорида келтирилган фикрларга асосланиб, Косон тумани "Давлатбек Эркин ўғли" фермер хўжалиги ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ молиявий иқтисодий кўрсаткичлар тизимини таҳлил қилиб чиқамиз.

2.2.1. жадвал

Косон тумани "Давлатбек Эркин ўғли" фермер хўжалигининг ер майдонлари таркиби таҳлили

т/р	Ёзувнинг мазмуни	ў/б	йиллар			Ўзгариши	
			2010	2011	2012	фарқи	%
1	Жами ер майдони	га	74,8	74,8	74,8	0	100
	шундан, суғориладиган майдон	га	70,5	70,5	70,5	0	100
2	тут плантацияси	га	1	1	1	0	100
3	Ариқ ва зовурлар	га	2	2	2	0	100
4	Ихота дарахтлари	га	0,2	0,2	0,2	0	100
5	Йўллар	га	0,7	0,7	0,7	0	100
6	Бошқа ерлар	га	0,4	0,4	0,4	0	100

Косон тумани "Давлатбек Эркин ўғли" фермер хўжалигининг ер майдонлари таркибини 2.2.1. жадвал маълумотлари асосида таҳлил қилиб кўрганимизда, ўтган 2010-2011 йиллар мобайнида фермер хўжалигининг ер майдонлари таркибида ўзгаришлар кузатилмади.

Косон тумани "Давлатбек Эркин ўғли" фермер хўжалигининг ер майдонларининг экин турлари бўйича тақсимланиши таҳлили 2.2.2. жадвал

т/р	Ёзувнинг мазмуни	ў/б	йиллар			Ўзгариши	
			2010	2011	2012	фарқи	%
1	Жами ер майдони	га	74,8	74,8	74,8	0	100
	шундан, суғориладиган экин майдони	га	70,5	70,5	70,5	0	100
	ш.ж.дан; пахта	га	43	41	46	3	107,0
	ғалла	га	27,5	29,5	24,5	-3	89,1
2	тут плантацияси	га	1	1	1	0	100

2.2.2 жадвал маълумотлари билан фермер хўжалиги ер майдоналарининг экин турлари бўйича тақсимланишини таҳлил қилиб кўрганимизда хўжаликда таҳлилни ўз ичига олган давр мобайнида пахта майдоналари 7 фоизга кўпайганлиги ва ғалла майдоналари қарийиб 11 фоизга камайганлигини кўриш мумкин. Бундан кўринадики фермер хўжалигида пахтачиликка катта эътибор қаратилаётганлигини кузатиш мумкин.

Косон тумани "Давлатбек Эркин ўғли" фермер хўжалигида экин турларининг ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосили таҳлили 2.2.3. жадвал

т/р	Ёзувнинг мазмуни	ў/б	йиллар			Ўзгариши	
			2010	2011	2012	фарқи	%
1	Жами ер майдони	га	74,8	74,8	74,8	0	100
	шундан, суғориладиган экин майдони	га	70,5	70,5	70,5	0	100
	ш.ж.дан; пахта; экин майдони	га	43	41	46	3	107,0
	ҳосилдорлик	ц/га	31,8	32,5	33,1	1,3	104,1
	Ялпи ҳосил	цент	1367,4	1332,5	1522,6	155,2	111,3
	Ғалла; экин майдони	га	27,5	29,5	24,5	-3	89,1
	ҳосилдорлик	ц/га	33,1	38,9	42,3	9,2	127,8

Ялпи ҳосил	цент	910,25	1147,55	1036,35	126,1	113,8
------------	------	--------	---------	---------	-------	-------

Ишлаб чиқаришнинг муҳим омилларидан бири ер ҳисобланганлиги сабабли ердан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичи аниқланади. Бу кўрсаткич олинган маҳсулот ҳажмининг ер майдонига (гектарга) нисбати билан ҳисобланади.

2.2.3 жадвал маълумотлари билан фермер хўжалиги ер майдоналаридаги экинларнинг ҳосилдорлиги ва олинган ялпи ҳосил миқдорини таҳлил қилиб кўрганимизда фермер хўжалигида асосий экин турлари пахта ва ғалла бўлиб таҳлилни ўз ичига олган даврда пахта экин майдони 7 фоизга, ҳосилдорлик 4,1 фоизга, ялпи ҳосил 11,3 фоизга ошганлигини, ғаллачиликда эса ер майдони 11 фоизга камаганлигини, ҳосилдорлик 27,8 фоизга, ялпи ҳосил эса 13,8 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

Косон тумани "Давлатбек Эркин ўғли" фермер хўжалигида ишлаб чиқариш харажатлари нинг тармоқлар бўйича тақсимланиши таҳлили 2.2.4. жадвал

т/р	Ўзувнинг мазмуни	ў/б	йиллар			Ўзгариши	
			2010	2011	2012	фарқи	%
1	Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари, жами	минг сўм	98458,8	107255,9	130386	31926,9	132,43
	шу жумладан;						
	Ўсимликчиликда;	минг сўм	97112	105909	128816	31704	132,6
	улардан;Пахтачиликда	минг сўм	70632	77262	99416	28784	140,7
	Ғаллачиликда	минг сўм	26480	28647	29400	2920	111,0

2.2.4 жадвал маълумотлари билан фермер хўжалигида ишлаб чиқариш харажатларини тармоқлар бўйича тақсимланишини таҳлил қилиб кўрганимизда, фермер хўжалигида жами ишлаб чиқариш харажатлари ўртача 32,43 фоизга, шу жумладан ўсимликчилик тармоғида эса 32,6 фоизга, хусусан пахтачиликда эса 40,7 фоизга, ғаллачиликда эса 11,0 фоизга ошганлигини кўриш мумкин. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг хўжалик бўйича ўртача ўсиш динамикаси 32,6 фоизни ташкил этган бўлса, пахтачилик тармоғида эса бу кўрсаткич 40,7 фоизни ташкил этмоқда. Бунга асосий сабаб кейинги йилларда ёқилғи мойлаш материаллари ҳамда техникаларнинг иш ва хизматлар нархининг кескин ошиб бораётганлигидадир. Пахта етиштириш энг кўп агротехник тадбир ва меҳнат талаб қиладиган экин тури бўлиб, ғалла эса нисбатан кам меҳнат ва талаб қиладиган экин ҳисобланади. Шунинг учун пахтачилик харажатлари ўзгаришлари ошиб бормоқда.

Косон тумани "Давлатбек Эркин ўғли" фермер хўжалигида маҳсулотнинг сотиш баҳоси таҳлили 2.2.5. жадвал

т/р	Ўзувнинг мазмуни	ў/б	йиллар			Ўзгариши	
			2010	2011	2012	фарқи	%
	Маҳсулот сотишдан тушган тушум	минг сўм	120995	138075,4	200928	79932,3	166,06
1	Ўсимликчиликда;	минг сўм	119701	136710,8	199203	79502,5	166,42
	улардан;Пахтачиликда		94213,9	101136,8	165004	70790	175,14
	Ялпи ҳосил	минг сўм	1367,4	1332,5	1945,8	155,2	104,09
	Бир центнер маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳоси	минг сўм	68,9	75,9	84,8	31704	132,65
2	Ғаллачиликда	минг сўм	25487	35574,05	34199,6	8712,55	8712,6

	Ялпи ҳосил	минг сўм	910,25	1147,55	1036,35	126,1	113,85
	Бир центнер маҳсулотнинг сотиш баҳоси ўртача	минг сўм	28	31	33	5	117,86
2	Чорвачиликда	минг сўм	1294,56	1364,64	1724,32	429,76	133,2
	ш.ж.дан пиллачиликда	минг сўм	1294,56	1364,64	1724,32	429,76	133,2
	Ялпи ҳосил	цент	4,8	4,8	5,2	0,4	108,33
	Бир центнер маҳсулотнинг сотиш баҳоси ўртача	минг сўм	269,7	284,3	331,6	61,9	122,95

Фермер хўжалигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиш баҳоларини таҳлил қилиб кўрганимизда таҳлил даврида бир центнер пахта хом ашёсининг ўртача сотиш баҳоси 132,65 фоизга, бир центнер техник ғалла маҳсулотининг ўртача сотиш баҳоси 117,86 фоизга, бир центнер пилла хом ашёсининг ўртача сотиш баҳоси 122,95 фоизга ошганини кўриш мумкин. Юқорида қайд этилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари давлат эҳтиёжлари учун ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар бўлиб, кейинги йилларда ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид баҳоларининг босқичли равишда ошириб бориш сиёсати олиб борилаётганлиги ва бунинг оқибатида фермер хўжаликларини моддий қўллаб қувватланаётганлигини эътироф этиш ўринлидир.

Косон тумани "Давлатбек Эркин ўғли" фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ва даромадлари таҳлили 2.2.6. жадвал

т/р	Ўзувнинг мазмуни	ў/б	Йиллар			Ўзгариши	
			2010	2011	2012	фарқи	%
1	Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари, жами	м.с	98458,8	107255,9	130386	31926,9	132,43
1.1	Шу жумладан; ўсимликчиликда	минг сўм	97112	105909	128816	31704	132,65
1.1.1.	Пахтачиликда;						
	Ишлаб чиқариш харажатлари жами	минг сўм	70632	77262	99416	28784	140,75
	Маҳсулот сотишдан тушган тушум	минг сўм	94213,9	101136,8	165004	70790	175,14
	Экин майдони	га	43	41	46	3	140,75
	Ҳосилдорлик	ц/га	31,8	32,5	42,3	1,3	106,98
	Ялпи ҳосил	цент	1367,4	1332,5	1945,8	155,2	104,09
	Бир га ерга сарфланган харажат	м.сўм/га	1642,60	1884,43	2173,13	530,53	132,30
	Бир га ер майдонидан олинган даромад	м.сўм/га	2191,02	2466,75	3587,04	1396,02	163,71
	Бир га ер майдонидан олинган натижа	м.сўм/га	548,41	582,31	786,69		
	Бир центнер маҳсулот таннари	м.сўм/ц	51,65	57,98	51,09	0,56	98,91
	Бир центнер маҳсулотнинг сотиш баҳоси	ц/сўм	68,9	75,9	84,8	31704	132,65
	Бир центнер маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш	м.сўм	17,3	17,9	33,7	16,4	194,8

	натижаси						
1. 1.2	Ғаллачиликда;						
	Ишлаб чиқариш харажатлари жами	минг сўм	26480	28647	29400	2920	111,0
	Маҳсулот сотишдан тушган тушум	минг сўм	25487	35574,05	34199,6	8712,55	134,18
	Экин майдони	га	27,5	29,5	24,5	-3	89,091
	Ҳосилдорлик	ц/га	33,1	38,9	42,3	9,2	127,79
	Ялпи ҳосил	цент	910,25	1147,55	1036,35	126,1	113,85
	Бир га ерга сарфланган харажат	м.сўм/га	962,90	971,08	1200	237,09	124,62
	Бир га ер майдонидан олинган даромад	м.сўм/га	926,8	926,8	1205,9	469,10	150,61
	Бир га ер майдонидан олинган натижа	м.сўм/га	36,10	44,28	195,90	159,79	542,52
	Бир центнер маҳсулот таннари	м.сўм/ц	29,09	24,96	28,36	-0,72	97,51
	Бир центнер маҳсулотнинг сотиш баҳоси	ц/сўм	28	31	33	5	117,85
	Бир центнер маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш натижаси	м.сўм	-1,09	6,04	4,64	5,73	573,0
1.2	Чорвачиликда;	минг сўм	1346,8	1346,9	1570,0	223,2	116,57
	Бир центнер маҳсулот таннари	м.сўм	280,58	280,60	301,86	21,28	107,58
	Бир центнер маҳсулотнинг сотиш баҳоси	ц/сўм	269,7	284,3	331,6	61,9	122,95
	Бир центнер маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш натижаси	м.сўм	10,88	3,7	29,74	18,86	273,34
1.2.1.	Ш.ж.дан пиллачиликда	минг сўм	1346,8	1346,9	1570,0	223,2	116,57
	Бир центнер маҳсулот таннари	м.сўм	280,58	280,60	301,86	21,28	107,58
	Бир центнер маҳсулотнинг сотиш баҳоси	м.сўм	269,7	284,3	331,6	61,9	122,95
2	Фермер хўжалиги бўйича маҳсулот сотишдан тушган тушум	минг сўм	120995	138075,4	200928	79932,3	166,06
2.1	Фермер хўжалиги бўйича бир гектар экин майдони ҳисобига;						
	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.сўм	1377,48	1502,25	1827,18	449,70	132,65
	Олинган даромад	м.сўм	1716,24	1958,51	2850,04	1133,2	166,06
	молиявий натижа, фойда ёки зарар	м.сўм	338,76	456,26	1022,86	684,,1	301,94

Косон тумани "Давлатбек Эркин ўғли" фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ва даромадларини 2.2.6. жадвал маълумотлари билан таҳлил қилиб кўрганимизда

тахлилни ўз ичига олган давр мобайнида хўжаликда маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари 132,43 фоизга, маҳсулот сотишдан тушган тушум эса 166,06 фоизга ўсганлигини кўриш мумкин. Жараён натижаларини тармоқлар бўйича таҳлил қилиб кўрганимизда ишлаб чиқариш харажатлари 140,75 фоизга, маҳсулот сотишдан тушган тушум эса 175,14 фоизга ошганлигини, ғаллачиликда эса ишлаб чиқариш харажатлари 111,0 фоизга, тушум эса 134,18 фоизга ошганлигини кўриш мумкин. Умуман олиб қараганда таҳлилни ўз ичига олган давр мобайнида фермер хўжалигида бир гектар экин майдони ҳисобига сарфланган харажатлар 132,65 фоизга, олинган даромад 166,06 фоизга, бир гектар ерга харажат сарфланиб даромад олиш натижаси 301,94 фоизга ўзгарганлигини кўриш мумкин. Хўжаликда сарф харажатларга нисбатан даромадлар даражаси ўсувчи ҳолатни ташкил этганлиги бу ижобий ҳол ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади фойда олишга қаратилганлиги сабабли ҳар бир иқтисодий субъект кўпроқ фойда олишга интилади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини олинган фойданинг (Ф) ишлаб чиқаришга сарфланган ресурс харажатларига нисбати билан аниқланади, яъни

$$P^1 = \frac{\Phi}{MC + IX} * 100$$

Бу ерда P^1 - фойда нормаси, MC - моддий сарфлар, IX - иш ҳақини миқдори.

Косон тумани "Давлатбек Эркин ўғли" фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг пировард натижалари таҳлили 2.2.7. жадвал

т/р	Ўзувнинг мазмуни	ў/б	йиллар			Ўзгариши	
			2010	2011	2012	фарқи	%
1	Маҳсулот сотишдан тушган тушум, жами	м.с	120995	138075,4	200928	79932,3	166,06
	ш.ж.дан ўсимликчиликда	м.с	119701	136710,8	199203	79502,5	166,42
	чорвачиликда	м.с	1294,56	1364,64	1724,32	429,76	133,2
2	Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари, жами	м.с	98458,8	107255,9	130386	31926,9	132,43
	ш.ж.дан ўсимликчиликда	м.с	97112	105909	128816	31704	132,65
	чорвачиликда	м.с	1346,8	1346,9	1569,7	222,9	140,75
3	Молиявий натижа, фойда ёки зарар	м.с	22536,6	30819,54	30819,5	8282,92	136,75
	ш.ж.дан ўсимликчиликда	м.с	22588,9	30801,8	70387,4	47798,5	311,6
	чорвачиликда	м.с	-52,24	17,74	154,62	206,86	-295,98
4	Рентабеллик даражаси	%	22,8894	28,73459	23,6372	0,74782	103,27
	ш.ж.дан ўсимликчиликда	%	23,2606	29,08327	54,6418	31,3812	234,91
	чорвачиликда	%	-3,8788	1,31	9,85	13,72	-253,95

Фермер хўжалигида таҳлил давридаги пировард молиявий натижаларни таҳлил қилиб кўрганимизда тушум ҳажми ўртача 166,06 фоизга, ишлаб чиқариш харажатлари 132,43 фоизга, молиявий натижа фойда 136,75 фоизга, рентабеллик даражаси 103,27 фоизга ўзгараганлигини кўриш мумкин.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги кўп қиррали масала бўлиб, бу айtilган биргина асосий кўрсаткичда, уни тўла равишда ҳар томонлама ифодалаб бўлмайди. Шунинг учун ишлаб чиқариш самарадорлигини тўлиқ ифодалашда, унда қатнашган омилларнинг унумдорлигини, улардан самарали фойдаланиш даражасини характерловчи кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Булардан бири меҳнат унумдорлигидир. Меҳнат унумдорлиги деб ишчи кучининг вақт бирлиги мобайнида маҳсулот яратиш қобилиятига айтилади ва ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг /истеъмол қийматининг/ сарфланган меҳнат миқдориغا нисбати билан белгиланади. Сарфланган меҳнат миқдори эса ишланган вақт билан, киши куни, киши соати ва ҳ.к. билан белгиланади. Агар

меҳнат унумдорлигини МУ, маҳсулотни, М билан, сарфланган иш вақтини эса - В билан белгаласак, меҳнат унумдорлиги куйидагича аниқланади:

$$МУ = M/V$$

Меҳнат унумдорлиги сарфланган жонли меҳнатнинг ҳар ҳар бир бирлиги эвазига яъни киши куни, киши соати ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори билан аниқланади.

Самарадорликни аниқлашда капитал унумдорлиги деган кўрсаткичдан ҳам фойдаланилади ва унда ишлаб чиқаришда қатнашган капиталнинг ҳар бир бирлиги эвазига олинган маҳсулот, даромад ёки фойда билан аниқланади. Агар капитал унумдорлигини КУ деб, ишлаб чиқаришда қатнашган капитал миқдори - К, маҳсулотни - М, ялпи даромадни - ЯД билан, фойдани - Ф била белгиласак куйидаги формулалар ҳосил бўлади:

$$КУ = M/K ; \quad КУ = ЯД/K ; \quad КУ = Ф/K ;$$

Самарадорликни аниқлашда бу кўрсаткичлардан ташқари маҳсулотнинг меҳнат сиғими, материал сиғими, энергия сиғими дега кўрсаткичлар ҳам қўлланилиб, улар ишлаб чиқарилаётга маҳсулотнинг ҳар бир бирлигини яратиш учун кетган, ёки ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меҳнат, энергия ва моддий ашёлари миқдорини ифодалайди.

Бу кўрсаткичларнинг ҳар бири ишлаб чиқаришда қатнашган турли омиллар самарадорлигини ифодалаб, бир-бири била чамбарчарс боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради.

2.3. Фермер хўжалигида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тақсимлаш, сотиш ва уларнинг товарлилик даражаси ва уни аниқлаш тартиби

Такрор ишлаб чиқариш жараёнида қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти қиймат шаклида қоплаш фондини (КФ) ёки материал харажатларни (МХ) ва соф маҳсулотни (СМ) ёки ялпи даромад(ЯД)ни ўз ичига олади.

$$ЯМК = (КФ)МХ + (СМ)ЯД$$

СМ - соф маҳсулот янгидан яратилган қийматдир, яъни қишлоқ хўжалик корхоналари ходимларининг ўз меҳнатлари билан реал яратилган қийматдир.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигининг ривожланишида соф маҳсулот кўрсаткичи хўжалик ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини баҳолашда ва ишлаб чиқариш ҳажмини ўлчашда кўрсаткич сифатида катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, соф маҳсулот меҳнат предметларининг такрорий ҳисобини ўз ичига олмайди, у харажатларни тежаш механизмнинг муҳим элементи сифатида ҳам кўринади. Соф маҳсулот ва ялпи даромад ўртасидаги фарқ шундан иборатки, соф маҳсулот янгидан яратилган қийматнинг миқдорини бевосита ишлаб чиқариш жараёнида характерлайди, ялпи даромад эса сотиш жараёнини ҳисобга олиб, яъни айирбошлаш воситасидан кейин акс эттиради. Амалиётда бу икки кўрсаткич ҳам ялпи маҳсулот қийматидан моддий харажатларни айириб ташлаб топилади, шунинг учун уларнинг миқдори ўртасида айтарли даражада кескин фарқ бўлмайди. Соф маҳсулот кўпроқ ўзгармас баҳоларда ҳисоблаш зарур бўлганда, яъни ишлаб чиқариш физик ҳажмининг, меҳнат унумдорлигининг, фонд қайтимининг динамикасини аниқлаш учун ишлатилади. Жорий хўжалик фаолиятида кўпинча ялпи даромаддан фойдаланилади, чунки у янгидан яратилган қийматнинг сотилган қисмини акс эттириб, маҳсулот сотишдан келган тушум ва фойда кўрсаткичлари билан алоқадордир.

Қишлоқ хўжалигида ялпи даромадни ҳисоблаш куйидагича амалга оширилади. Таннарх бўйича ҳисобланган қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қийматиға, маҳсулот сотишдан олинган фойда қўшилади. Ҳосил бўлган ялпи маҳсулот қийматидан жорий йилдаги барча моддий харажатларни айириб ташлаб, ялпи даромад топилади.

$$ЯМК + Ф(3) - МХ = ЯД \quad (9.4)$$

Ялпи даромад миқдори ялпи маҳсулот ҳажми билан тўғри боғланган ва моддий харажатлар миқдори билан тесқари боғланган.

Ялпи маҳсулот миқдори қанча кўп бўлиб, моддий харажатлар шунча оз бўлса, ялпи даромад суммаси шунча кўп бўлади.

Ялпи ҳамда соф даромад барча турдаги харажатлар ҳисобига ташкил топади. Ялпи даромаднинг таркиби қуйидаги келтирилган формулада кўрсатилган:
 $YD = MX + CD$

Моддий харажатлар ва меҳнат ҳақи фонди маҳсулот таннарhini ташкил этишини билган ҳолда, соф даромадни ялпи маҳсулот қиймати ва таннарх ўртасидаги фарқ шаклида ҳам аниқлаш мумкин.

$$CD = YMK - T \quad (9.6)$$


Соф даромадни ялпи даромад ва меҳнат ҳақи фонди ўртасидаги фарқ сифатида ҳам аниқлаш мумкин.

$$CD = YD - MX \quad (9.7)$$

Соф даромад давлатнинг марказлашган даромадига (ДМД), ноишлаб чиқариш сфераси харажатларини қоплашга кетадиган, ижтимоий истеъмол, фондларига (ИИФ) ва жамғариш фондига (ЖФ) бўлинади.

$$CD = DM + IIF + JF \quad (9.8)$$

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг тақсимланиши қуйидаги схемада кўрсатилган



9.2-Расм. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг тақсимланиши.

Жамғариш фонди қишлоқ хўжалигида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг асосий манбаи ва зарурий резервлар яратиш манбаи ҳисобланади. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш суръатлари ва имконияти жамғаришнинг абсолют миқдорига ҳамда унинг соф

даромаддаги ҳиссасига боғлиқ. Жамғаришнинг нисбий миқдорини аниқлаш учун унинг меъёри (ЖМ) ҳисобланади. У соф даромаднинг жамғаришга йўналтирилган қисмининг жами соф даромад суммасига нисбати билан аниқланади:

$$\text{ЖМ} = \frac{\text{ЖФ}}{\text{СД}} * 100$$

Ялпи маҳсулотнинг таркибида шахсий истеъмол фонди ва жамғариш фонди ўртасидаги раионал нисбат аҳамиятга эга. Унинг ташкил топиши маҳсулотнинг таннархи ва баҳоси, бинобарин харажатлар рентабеллиги даражасига боғлиқ. Республикада қабул қилинган «Меҳнат Кодекси», «Солиқ Кодекси» ва бошқа қонун ҳужжатларидан оқилона фойдаланиш истеъмол ва жамғарма фондлари ўртасидаги боғланишни таъмин этади ва бозор иқтисодиёти самарадорлигини оширади.

Қишлоқ хўжалигининг товар маҳсулоти деганда, ялпи маҳсулотнинг барча сотиш каналлари орқали, яъни давлат, матлубот кооперацияси, қишлоқ аҳолисига, деҳқон бозорида, ошхона орқали, болалар муассасаларига ва чет давлатларга сотадиган қисмига айтилади. Товар маҳсулотнинг сотилган ва бу учун пул олинган қисми **сотилган маҳсулот** дейилади. Шунинг учун «Товар маҳсулот» тушунчаси «Сотилган маҳсулот» тушунчасидан кенгдир. Агар товар маҳсулотнинг ҳаммаси сотилса, у ҳолда иккаласи тенг бўлади. Хўжаликларнинг ҳозирги ҳисоботларида товар маҳсулотнинг реал миқдори ва қиймати аниқланмайди. Сотиш пайтида сотилган маҳсулот натурал формадан пулда ифодаланган қиймат формасига ўтади. Сотилган маҳсулотнинг бир қисми ўша заҳотиёқ қиймат шаклини олади. Бу четга кўрсатилган хизматлар ёки бошқа корхоналар учун бажарилган ишларга олинган пул тушумидир. Бир бутун қишлоқ хўжалигининг ҳамда алоҳида қишлоқ хўжалик корхоналари ва алоҳида маҳсулот турларининг товарлиги икки кўрсаткичда ифодаланади:

1. Товар маҳсулотининг массаси;
2. Товарлилик даражаси.

Бу кўрсаткичларнинг ҳар бири ўзи мустақил аҳамиятга эга, аммо товар фондининг абсолют миқдори ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида товарлилик даражаси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у сотилган маҳсулотни ялпи маҳсулотга бўлиб топилади ва фоизларда ифодаланади.

Алоҳида маҳсулот тури бўйича товарлилик даражасини аниқлашда ялпи маҳсулот ва товар маҳсулот натурал кўринишда фойдаланилади. Маълум бир тармоқнинг ёки бутун қишлоқ хўжалигининг товарлилик даражасини аниқлашда ёки ҳар хил маҳсулот чиқарадиган турли тармоқ товарлилик даражасини солиштирганда ялпи сотилган маҳсулотнинг қиймат кўринишидан фойдаланилади. Бунда ялпи маҳсулот ва сотилган маҳсулот бир хил баҳода баҳоланиши мақсадга мувофиқдир. Амалиётда товарлилик даражаси қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{Тд} = \frac{\text{СМ; СМК}}{\text{ЯМ; ЯМК}} * 100$$

Тд - товарлилик даражаси;

СМ; СМК – сотилган маҳсулот(миқдори, қиймати.);

ЯМ; ЯМК – ялпи маҳсулот(миқдори, қиймати.).

Ўзбекистонда 2011 йилнинг январ-декабрида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 19633,6 млрд. сўмни ёки 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 106,6 фоизни ташкил қилди. Жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари 11347,4 млрд. сўмни (106,0 фоиз), чорвачилик маҳсулотлари 8286,2 млрд. сўмни (107,6 фоиз) ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқон хўжаликларининг улуши 63,7 фоизни (2010 йилнинг январ-декабрида 62,9 фоизни), фермер хўжаликларининг улуши 34,1 фоизни (35,0 фоизни), қишлоқ хўжалиги корхоналарининг улуши 2,2 фоизни (2,1 фоизни) ташкил этди.

Дехқончилик. Ҳисобот йилида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида дехқончиликнинг улуши 57,8 фоизни (2010 йилда 59,4 фоизни) ташкил этди.

Барча тоифадаги хўжаликларда 2011 йил ҳосили учун экилган қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони 3601,2 минг гектар майдонни ташкил қилди.

Бошоқли дон экинлари билан банд бўлган экин майдони 1607,4 минг гектарни ёки 2010 йил январ-декабрига нисбатан 95,8 фоизни, шу жумладан буғдой экин майдони 1432,6 минг гектарни (97,7 фоизни) ташкил қилди

Пахта экин майдони 1329,2 минг гектарни ёки 2010 йил январ-декабрига нисбатан 99,0 фоизни ташкил этди.

Картошка экин майдонлари 4,1 фоизга, сабзавот экин майдони 1,4 фоизга ўсди, шу билан бирга полиз экин майдони 4,1 фоизга, озуқа экинлари майдони 1,9 фоизга қисқарди.

2011 йил январ-декабрида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 7140,1 минг тонна дон экинлари ишлаб чиқарилиб, шу жумладан 6703,1 минг тоннаси бошоқли дон, шундан 6526,7 минг тоннаси буғдойни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 1862,4 минг тонна картошка (2010 йилга нисбатан 10,0 фоизга кўп), 6993,7 минг тонна сабзавот (10,2 фоизга), 1294,7 минг тонна полиз экинлари (9,5 фоизга), 1871,1 минг тонна мева ва резаворлар (9,4 фоизга) ва 1090,2 минг тонна узум (10,4 фоизга) йиғиб олинди.

Чорвачилик. қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 42,2 фоизни ташкил этди.

2012 йилнинг 1 январ ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони 548,8 минг бошга (6,0 фоизга) купайди ва 9642,5 минг бошни ташкил этди.

Сигирлар бош сони 114,6 минг бошга (3,0 фоизга), қўй ва эчкилар 846,6 минг бошга (5,5 фоизга), паррандалар 4997,9 минг бошга (13,2 фоизга) кўпайди.

Республиканинг барча ҳудудларида, барча тоифадаги хўжаликлар бўйича йирик шохли қорамоллар, шундан сигирлар, қўй ва эчкилар, паррандалар сони ошди.

Дехқон хўжаликларининг улушига йирик шохли қорамоллар умумий сонидан 93,7 фоизи, сигирларнинг 94,7 фоизи, қўй ва эчкиларнинг 80,5 фоизи, чўчқаларнинг 79,5 фоизи, паррандаларнинг 60,3 фоизи, фермер хўжаликларига эса йирик шохли қорамолларнинг 5,3 фоизи, сигирларнинг 4,5 фоизи, қўй ва эчкиларнинг 7,4 фоизи, чўчқаларнинг 8,5 фоизи, паррандаларнинг 11,6 фоизи тўри келади.

2011 йилда барча тоифадаги хўжаликларда 1564,2 минг тонна (тирик вазнда) гўшт (2010 йилга нисбатан 7,0 фоизга кўп), 6766,2 минг тонна сут (9,7 фоизга кўп), 3441,7 млн. дона тухум (12,5 фоизга кўп), 28,7 минг тонна жун (8,2 фоизга кўп), 1022,3 минг дона қорақўл тери (9,3 фоизга кўп) етиштирилди.

Дехқон хўжаликларининг улуши гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида 94,7 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 96,0 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 54,5 фоизни, жун ишлаб чиқаришда 84,4 фоизни, қорақўл териси ишлаб чиқаришда 63,0 фоизни ташкил этди.

Фермер хўжаликлари. 2011 йилнинг январ-декабрида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотлари ҳажми 6702,3 млрд.сўмни ёки 2010 йилнинг январ-декабрига нисбатан 104,4 фоизни ташкил қилди. қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 34,1 фоизни ташкил этди.

Фермер хўжаликларига бириктирилган умумий ер майдони 5841,0 минг гектарни ташкил қилди.

2012 йилнинг 1 январ ҳолатига фермер хўжаликларида йирик шохли қорамоллар 507,2 минг бошни, шу жумладан сигирлар 174,0 минг бошни, қўй ва эчкилар 1203,3 минг бошни, паррандалар 4974,2 минг бошни ташкил қилди.

2011 йилнинг 1 январига нисбатан йирик шохли қорамоллар 5,5 минг бошга (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,1 фоизга), шу жумладан сигирлар 1,4 минг бошга (0,8 фоизга), қўй ва эчкилар 53,4 минг бошга (4,6 фоизга), паррандалар 1015,6 минг бошга (25,7 фоизга) кўпайди.

Фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва уларнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан улуши қуйидагича ифодаланади:

III-боб. Фермер хўжаликларида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари

3.1. Фан техника тараққиёти ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва уни ошириш масаласи ҳар доим иқтисодий назарияси фанининг долзарб муаммоси сифатида, унинг диққат марказида бўлиб келади. Айниқса ҳозирги пайтда бу масала янада кескин қўйилмоқда. Бунинг сабаби шундаки, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширмасдан туриб мамлакатимиз олдида турган муҳим масала мустақил иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш вазифасини амалга ошириб бўлмайди. Самарадорликнинг иқтисодий мазмуни сифатида ҳар доим ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси билан унга авансланган ресурслар, маблағлар ёки қилинган харажатлар ўртасидаги нисбат тушунилади.

Лекин, турли . социал-иқтисодий тизимлар шароитида шу жамиятнинг мақсадидан келиб чиқиб, самарадорлик муаммосининг туб моҳияти ўзгаради.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун унга таъсир қиладиган омилларни ҳам билиш зарурдир. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бир қанча омиллар таъсир қилади:

Илмий-техник тараққиётни тезлаштириш ва унинг натижаларини тезлик билан ишлаб чиқаришда қўллаш;

Ишлаб чиқаришни рационал жойлаштиришга, ихтисослаштириш ва кооперациялаш;

Иқтисодий таркибий қисмларини ва унинг ташкилий бўғинларини ўзгартириш;

Ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш ва уларнинг фаоллигини ошириш;

Мавжуд табиий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш, янги, арзон, сифатли хомашё ва энергия турларини-, экинларнинг янги ҳосилдор навларини, чорва молларининг маҳсулдор зотларини топиб ишлаб чиқаришга жорий қилиш;

Кишиларнинг билим савиясини, малакасини ошириш, етук ишчи ва мутахассислар тайёрлаш.

Бу санаб кўрсатилган омиллар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун таъсир қиладиган асосий ва бутун иқтисодийнинг барча соҳалари учун умумий омиллардир. Булардан ташқари, аниқ олинган хўжаликларда, тармоқларда ва ҳудудларда самарадорликни оширишнинг шу жойнинг шароитлари хусусиятидан келиб чиқадиган қанчадан-қанча омиллари борки, уларни топиб ишга солиш ва фойдаланиш самарадорликни кескин оширишнинг кенг имкониятлари ҳисобланади. Биз бу ерда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ҳамма омиллари тўғрисида батафсил тўхтала олмаймиз. Лекин унинг муҳим ва ҳозирги кунда республикаимиз учун долзарб омилларида бири бўлган илмий техника тараққиёти тўғрисида қисқача тўхталамиз.

Фан-техника тараққиёти фан соҳасидаги ишлаб чиқариш қуроли, технология, бошқарит ва бошқа кўпгина ўзгаришларни ўз ичига олади. Ҳозирги даврда фан-техника тез суръатлар билан тараққий қилмоқда ва у илгариги техника тараққиётига қараганда бирмунча афзалликларга эгадир.

Ҳозирга даврдаги фан-техника тараққиёти афзаллиги шундаки, илғор мамлакатларда фан янгиликлари тезлик билан ишлаб чиқаришга жорий қилинади, бинобарин фан бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиб боради.

Ҳозирги даврдаги ишлаб чиқаришнинг техник базасини мустаҳкамлаш электроника, радиоэлектроника, телемеханика, атом энергияси, химия ва бошқа фанларнинг эришган ютуқлари билан бевосита боғлиқдир.

Хуллас, фаннинг зришган ютуқлари ишлаб чиқаришнинг тараққиёти учун ва унинг иқтисодий самарадорлиги учун чексиз имкониятлар очиб беради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон давлати фан-техника тараққиётига катта эътибор бериб, уни жадаллаштиришни, техниканинг энг юқори унумдор самарадорликни таъминловчи янги туркумларни, принципиал жиҳатдан янги технологияларни кенг жорий этиш вазифасини қўймоқда. Фан тараққиётининг натижаси ва унинг ишлаб чиқариш билан яқинлашишининг муҳим белгиси такомиллашган, чидамли унумли меҳнат қуроли ва предметларини вужудга келтириш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш ҳисобланади. Ишлаб чиқаришга янги унумли меҳнат қуроли ва сифатли меҳнат предметлари

қанча кўп кириб келса жонли меҳнат шунча кўп меҳнат воситаларини ҳаракатга келтиради ва кўп истеъмол қиймати яратади. Давлатнинг инвестиция сиёсати ресурсларни фан-техника тараққиётининг илғор соҳалари бўлган авиация, машинасозлик саноатини, информатика, электроника, атом энергетикаси, ишлаб чиқариш соҳаларини комплекс механизациялаш, автоматлаштириш, янги материалларни яратиш ва буларга ишлов бериш технологияси сингари муҳим йўналишларига жалб қилишга қаратилгандир. Шунинг учун ҳам фан-техника тараққиётининг эволюцион ва революцион шакллари фарқламоқ лозим. Фан-техника тараққиётининг эволюцион шаклда ривожлашлвд деганда, унинг мавжуд технологияси асосида, машиналар ва ускуналар қисман модернизациялаш асосида ривожланиши тушунилади.

Революцион шаклда ривожланиши деганда эса, техникагошг эн| сўнгги авлодларини қўллаш, принципиал янги технологик тизимга ўтиш тушунилади. Фан-техника тараққиётининг кейинги шаклда ривожланиши юксак самара беради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов ўзининг асарларида иқтисодиётнинг барча тармоқларини ҳозирги замон фан ва техникасининг энг янги ютуқлари билан қайта қуроллантириш лозимлигини таъкидламоқда. Бунинг учун аввалом бор техника тараққиётининг асосини ташкил этувчи ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларини янги, унумдор, арзон техника билан қуроллаштирувчи машинасозликни ривожлантиришга эътиборни қаратмоқ лозимдир.

3.2. Фермер хўжаликларида такрор ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашда давлат сиёсати

Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлини танлаб, жамиятни тубдан ислоҳ қилиш стратегияси ишлаб чиқишда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишни пировард мақсад сифатида белгилаб олди. Президентимиз бу борада “Бунда биз марказлаштирилган, маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш – эски хўжалик юритиш механизмини шунчаки янгилаш ёки такомиллаштириш эмас, балки бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтиш эканлигини қайта-қайта таъкидлади. Бу бир иқтисодий муносабатлар ва ташкилий-бошқарув тузилмаларининг бошқа иқтисодий муносабатлар ва ташкилий-бошқарув тузилмалари билан алмашинувидир”², деб кўрсатиб берди.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш вазифаси иқтисодий ислохотларни амалга оширишда доимо диққатимиз марказида бўлиб, иқтисодий ривожланиш борасида эришган ютуқларимизнинг муҳим омили ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнлар иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, рақобатдошлигини ошириш учун унинг таркибий тузилишини муттасил такомиллаштириб бориш заруратини янада кучайтирди. Чунки дунёдаги ҳар қандай мамлакатнинг рақобатдошлиги энг аввало унинг иқтисодиёти қанчалик рақобатга дош бериши билан белгиланади.

Ички ва ташқи бозордаги рақобатдошлик ўзаро жиддий фарқ қилиши мумкин. Бу ҳолат бозорларда ички ва ташқи муҳитни ташкил этувчи омилларнинг турлича экани, яъни тўловга қодир талабнинг ҳажми, ички ва ташқи бозордаги нархлар ўртасидаги фарқ, олиб борилаётган ташқи савдо сиёсати ва ҳ.к.лар билан изоҳланади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлик даражаси унинг табиий ресурс салоҳияти, меҳнат ресурсларининг сони ва сифати (малака даражаси), ишлаб чиқаришнинг техник-технологик модернизациялашиш даражаси, иқтисодиёт таркибий тузилишининг такомиллашгани, давлатнинг иқтисодий ривожланиш ҳамда ислохотлар стратегияси қай даражада илмий асослангани ва ўзгаришлар жараёнларини ҳисобга олгани ҳамда бошқа бир қанча омилларга боғлиқ.

Мураккаб тизим сифатида иқтисодиётнинг барча элементлари орасидаги шаклланган ва ўзгариб борадиган пропорциялар ва ўзаро нисбатлар таркибий ўзгаришларни тавсифлайди. Миллий хўжаликнинг мақбул таркиби, алоҳида турдаги ишлаб чиқаришларнинг ривожлангани

² Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1993.

ва баланслашгани, уларнинг ўзаро мутаносиблиги ҳар қандай давлат ривожининг пировард мақсади бўлган аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида, шу жумладан, иқтисодиёт соҳасида эркинлаштириш, яъни хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини, иқтисодий фаолиятнинг бозорга хос механизмларининг самарали амал қилишини таъминлашга қаратилган жараёнларининг кенг амалга оширилиши тараққиёт ва ўзгаришларга янги куч бахш этди. Давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифалари қисқартирилиб, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига, биринчи галда, хусусий бизнес фаолиятига аралашуви чекланди.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий устувор йўналишлари куйидагилар;

- Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш
- Жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш
- Қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш
- Электро энергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш
- Жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва бошқалар.

Мамлакатимиз иқтисодиётини мутаносиб ривожлантириш, унинг самарали таркибий тузилмасига эга бўлиш ва шу орқали барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш Ватанимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун эса, энг аввало, иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш зарур бўлади.

Айниқса, реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлашда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутади.

Инкирозга қарши чоралар дастури доирасида иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, ҳар қандай даражадаги ислоҳот мавжуд тартиб, шарт-шароитлар, вазият, таркиб топган мувозанатнинг ўзгаришига олиб келади. Бутун жамиятнинг ислоҳ этилиши, яъни унинг эски – нотўғри асосга қурилган, истиқболсиз тизимдан бутунлай янги – ижтимоий бозор муносабатларига асосланган, демократик ва ҳуқуқий жамиятга ўтиши эса жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Шунга кўра, жамият аъзолари томонидан мазкур ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушуниб етиш, уларда фаол иштирок этиш учун уларнинг онгу тафаккури ҳам ўзгариши лозим. Бу эса ислоҳот жараёнларининг секин-аста, босқичма-босқич амалга оширилишини тақозо этади.

Умуман олганда, мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотларнинг ҳар бир йўналиши ҳам амалга оширилган чора-тадбирларнинг босқиччилиги билан тавсифланади. Жумладан, мулкий муносабатларни ислоҳ қилишда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари кичик, ўрта ва йирик корхоналар бўйича босқичма-босқич амалга оширилди. Аграр соҳадаги ислоҳотлар эса собиқ маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан мерос бўлиб қолган давлат хўжаликларини дастлаб жамоа хўжаликларига, сўнгра ширкат хўжаликларига айлантириш, кейинчалик муайян шарт-шароитлар, замин тайёрлангандан сўнг уларни фермер ва деҳқон

хўжаликларига айлантиришдан иборат бўлди. Нарх ислохоти ҳам нархларни эркинлаштиришнинг бир неча босқичларини ўз ичига олди: дастлаб кенг доирадаги ишлаб чиқариш-техника воситаси бўлган маҳсулотлар, айрим турдаги халқ истеъмоли моллари нархи эркинлаштирилиб, аҳолининг кундалик эҳтиёжида муҳим ўрин тутувчи озиқ-овқат ва саноат товарлари нархларининг чегараси давлат томонидан белгилаб қўйилди. Кейинчалик, миллий ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва иқтисодийнинг барқарорлашиши билан деярли барча товарлар нархлари эркинлаштирилди.

“Мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган узоқ муддатли стратегик мақсадни амалга оширишнинг мантиғи мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошланган ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш мамлакат ижтимоий иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодийнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилади.

Давлат бош ислохотчи сифатида амалга оширилаётган барча ислохотларни назорат қилиб боради ва бошқаради. Бу принципнинг нақадар тугрилигини АКШда Федерал захира тизими мамлакатга амалга оширилаётган пул кредит сиёсатига етарлича эътибор қаратмаганлиги оқибатида жаҳон молиявий иқтисодий инкирозининг келиб чиққанлигида куриш мумкин.

Ўзбекистонда барча тармоқлар сингари Аграр соҳа тармоғи ҳам давлат томонидан бошқарилади. Кишлоқ хўжалик корхоналари аграр саноат мажмуасининг бирламчи бугини бўлиб, унинг иқтисодий асосини ташкил этади.

Кишлоқ хўжалик корхонаси деб, давлатга қарашли бўлган ерни узоқ муддатга ижарага олиб, ўз жамоаси меҳнати ва ишлаб чиқариш воситалари ёрдамида, бизнес режа ва ички хўжалик ҳисоби тизимига таянган ҳолда, юридик мақомга эга бўлган товар кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектлар тушунилади.

Бу тармоқнинг давлат томонидан бошқарилишини қуйидагиларда куриш мумкин;

-Кишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг дехкон фермер ва ширкат хўжаликларига утилиши муносабати билан турли мулкчиликка йўналтирилган иқтисодийнинг ташкил этилиши

-Ер давлат мулки бўлиб, ердан фойдаланувчилар учун узоқ муддатга ижара шартномаси асосида фойдаланишга берилиши

-Инсон ва давлат эҳтиёжлари учун ута зарур маҳсулотлар (пахта, галла, пилла) маҳсулотлари учун давлат буюртмаларини саклаб қолиниши

-Ута зарур кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун давлат томонидан имтиёзли ставкаларда банк кредит маблағлари билан таъминлаб турилиши

-Маҳсулот етиштириш учун зарур бўлган ресурслар, ёкилги мойлаш материаллари, угит, уруглик, сув ва бошқаларни давлат томонидан узлуксиз таъминлаб турилиши

-Ишлаб чиқарувчилар учун хизматлар бозорини ташкил этилиши ва бу бозорни давлат томонидан тартибга солиб борилиши

-Давлат буюртмасидан ортиқча етиштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларни узлари эркин тасарруф этишлари

-Давлат агросугурта компаниясининг ташкил этилиши ва бу компаниянинг кишлоқ хўжалик экинлари ва корхона фаолиятларини баъзи жиҳатларини сугурталаш тизими

-Лизинг орқали кишлоқ хўжалик техникалари етказиб беришни йулга қуйилиши

-Ўзбекистон савдо саноат палатаси томонидан мунтазам равишда пахта ярмаркаси, кишлоқ хўжалик машиналари савдо ярмаркаси ва бошқа шу сингари бозорларни ташкил этиш орқали ишлаб чиқарувчиларни қуллаб қувватланиши

-Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг давлат томонидан амалга оширилиши

-Ишлаб чиқарувчиларни ўз маблағларини узлари эркин тасарруф этишлари

-Кишлоқ меҳнат бозорини давлат томонидан қуллаб қувватланиши ва бошқалар.

-Шикастланишлар, касб касалликлари, Шунингдек бетоб булиб колганда ехуд ишсизлик холатларида фукарони давлат томонидан ижтимоий химояланиши

Юкорида кайд килинган холатлар кишлок хужалиги ишлаб чикарувчиларини хам иктисодий хам ижтимоий жихатдан куллаб кувватлашни кафолатлайди. Бу уз навбатида ишлаб чикарувчиларни корхонада янада самарали фаолият олиб боришини таъминлайди

3.3. Жаҳон молиявий иктисодий инқирозининг иккинчи тўлқинланиш даврида кишлок хўжалигида ялпи маҳсулотни кўпайтириш, унинг товарлилик даражасини оширишнинг асосий йўллари.

Бозор муносабатлари шароитида фермер хўжалиги ишлаб чиқаришининг товарлилик даражаси икки омил: талаб ва таклиф билан аниқланади. Кўпчилик кишлок хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиси маҳсулотга бўлган ички ишлаб чиқариш истеъмолини чегаралаб, товарлилик даражасини кўтаришга ҳаракат қилади. Товар маҳсулот миқдорини кўпайтириш мақсадида кўйидаги тадбирлар амалга оширилади:

1. Кишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва моллар маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни ўстириш. Масалан: 1 йилда 1 та сигирдан 2500 кг сут соғиб олинса, унинг товарлилик даражаси 80фоиз - 85фоиз бўлса, 5000 кг соғиб олинганда, у 90фоиз - 95фоиз кўтарилиши мумкин;

2. Маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш жараёнида сарфланишини қисқартириш;

3. Уруғлик ва емнинг сифатини яхшилаш, шунингдек саноат ишлаб чиқарадиган сунъий ва омухта озукалардан фойдаланиш;

4. Маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида, уни сақлашда ва сотишда йўқотишларни қисқартириш.

Корхонада маҳсулот сотишга катта имконият бўлиши мумкин, лекин ҳар бир маълум даврда маҳсулотга бозор талаби чегараланган бўлади. Бу эса маҳсулотнинг тўлиқ сотилмаслигига, сотилмаган қолдиқнинг вужудга келишига олиб келади. Шунинг учун **маҳсулотнинг товарлилик даражасини кўтариш йўлларида бири яхши ташкил қилинган маркетингдир.**

Бозорни озиқ-овқат ва хом-ашё маҳсулотлари билан тўлдириш вазифаси кишлок хўжалик маҳсулотлари сифатини яхшилаш муаммоси билан мустаҳкам алоқада. Аҳолининг истеъмолини қондирадиган ҳар қандай маҳсулот, уни фойдали қиладиган маълум бир хусусият, хоссага эга бўлиши керак. Улар маҳсулотдаги истеъмом қийматнинг моҳиятини акс эттиради. Агар истеъмом қиймати маҳсулотнинг умумий фойдалилигини ифодаласа, унинг фойдалилик даражаси, яъни маълум истеъмомни қаноатлантиришга объектив қодирлигини, маҳсулотнинг сифати характерлайди.

Маҳсулот сифати деганда, уни маълум бир эҳтиёжини қондириш кераклигини зарур қилиб кўйган, маҳсулотдаги хусусиятлар тўплами тушунилади.

Маҳсулот сифати муҳим иктисодий категориялардан бири бўлиб, у ишлаб чиқариш жараёни ва маҳсулот истеъмолида кишилар ўртасидаги ўзаро мустаҳкам муносабатларни ифодалайди. Ижтимоий истеъмом доимий эмас, сифатни яхшилаш тенденцияси объектив ва қонуниятли характерга эга. Бу биринчи навбатда истеъмомнинг ошиши қонунининг ҳаракати билан боғлиқ. Бунинг моҳияти шуки, жамият ишлаб чиқарувчи кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши билан доимо уларнинг истеъмоли даражаси ошиб боради ва уларда бир вақтнинг ўзида истеъмомни тўлароқ қондириш имконияти кенгаяди.

Кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини яхшилаш фақат аҳолининг озиқ-овқатга бўлган истеъмолини тўлиқ қондирибгина қолмай, балки у кишлок хўжалиги иктисодий самарадорлигини оширишнинг муҳим омилдир. Шунинг учун маҳсулот **сифатини ошириш – бу пировард натижада унинг миқдори, ресурсларни тежаш, ижтимоий истеъмомни тўлароқ қондиришдир.** Ривожланаётган бозор шароитида кишлок хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардош бўлиши керак, яъни бозордаги маҳсулотларга қараганда анча юқори истеъмом хусусиятига ва катта талабга эга бўлиши керак.

Маҳсулот сифатига талаб истеъмолчилар, шунингдек давлат органлари томонидан шаклланади. Маҳсулот сифатига талабнинг шаклланишидаги устунлик истеъмолчига, бозорга, рақобатга тегишлидир.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ишлаб чиқариш ресурслари - ишлаб чиқариш элементларининг иштироқи ва таъсирида шаклланади. Дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ҳамда ишлаб чиқариш ресурслари сифати ўртасида кенг ҳаракатдаги бевосита ёки кўп поғонали алоқа ва боғланиш мавжуд. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

I. Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг сифати:

1. Иш кучи сифати;
2. Фондлар билан қуролланиш;
3. Ходимлар малакаси;
4. Моддий рағбатлантириш.

II. Ер ва бошқа табиий ресурслар сифати;

III. Моддий ресурслар сифати:

1. Асосий воситалар сифати:

- а) саноатдан келадиган;
- б) қишлоқ хўжалигидан чиқадиган;

2. Моддий айланма воситаларнинг сифати:

- а) саноатдан келадиган;
- б) қишлоқ хўжалигидан чиқадиган.

Маҳсулот сифатини яхшилаш ва уни таъминлашнинг етакчи омили иш кучининг сифати ҳисобланади. Фойдали меҳнат билан шуғулланувчи мамлакатнинг ҳар бир фуқароси маҳсулот сифатини таъминлаш бўйича ўз муносабатларини қуйидагилар асосида амалга оширишлари керак:

1. Ўзаро ёрдам ва илғор тажрибаларни алмашиш;
2. Ҳар бир иш жойида меҳнат сифатига ва унинг натижасига қаттиқ талабчанлик;
3. Маҳсулот сифати деган бош мезондан келиб чиқиб, ходимнинг касбий усталиги ва унинг меҳнатга тўланадиган ҳаққини баҳолаш;
4. Ҳар бир кишининг - ишчидан то раҳбаргача ўз меҳнати сифати учун шахсий жавобгарлиги;
5. Меҳнат жараёнида маҳсулот сифатини пасайтириш мумкин бўлган ҳар қандай фаолиятни огоҳлантириш.

Ер ресурсларининг сифати иқлим шароитлари билан бирга фақат етиштириладиган экиннинг таркибини аниқлаб қолмасдан ва унинг миқдорига таъсир қилиб қолмасдан, балки унинг сифатига ҳам катта таъсир кўрсатади. Амалиёт шуни кўрсатдики, унумли тупроқда, ерда етиштирилган ҳосилнинг сифати ҳам яхши, юқори бўлади.

Моддий ресурслар сифати, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатига икки томонлама таъсир кўрсатади. Биринчидан, асосий ва моддий айланма воситаларнинг анча юқори сифати, сифати оширилган маҳсулот олишга, сотиш баҳосини оширишга ва пировард натижада даромадни оширишга имкон беради. Районлашган уруғ навларидан фойдаланиш фақат ҳосилдорликни ошириб қолмасдан сифатини ҳам яхшилайдди. Чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш ва сифатини яхшилашга емнинг тўйимлилиги сифати катта таъсир кўрсатади. Иккинчидан, анча сифатли моддий ресурслар меҳнат сиғимини, фонд сиғимини ва материал сиғимини пасайтиради, бу эса ишлаб чиқариш харажатларининг пасайишига олиб келади. Уруғ, ем ва бошқа айланма воситалар сифат тавсифларининг яхшиланиши маҳсулот бирлиги ҳисобига уларга қилинган харажатни пасайтиради. Ва аксинча, навлар ва экиладиган уруғ сифатининг ёмонлашиши, емларда озуқа моддаларининг, айниқса протеиннинг пасайиши, маҳсулот таннархининг ўсишига олиб келади.

Бозорга олиб чиқиладиган ҳар қандай қишлоқ хўжалиги маҳсулоти кишиларнинг истеъмолини қондириш даражаси бўйича текширувдан ўтади: ҳар бир харидор ўзининг истеъмолини қондирадиган маҳсулотни сотиб олади, харидорлар массаси эса кишилар истеъмолини тўлароқ қондирадиган маҳсулотни сотиб олади, нисбатан маҳсулот рақобати ташкил топади. Шунинг учун маҳсулотнинг рақобатдошлигини фақат рақобатдош маҳсулотларни ўзаро таққослаб

аниқлаш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, товар маҳсулотининг рақобатдошлиги – бозорга ва сотиш вақтига аниқ боғлиқ бўлган нисбий тушунчадир.

Шуни билиш лозимки, маҳсулотнинг рақобатбардошлиги, харидор учун муҳим қизиқиш уйғотадиган унинг хоссаси орқали аниқланади. Бошқа барча параметрлар, бу чегарадан ташқаридаги, маҳсулотнинг рақобатбардошлигида рақобат шартларига алоқаси йўқ сифатида қараб чиқилмайди.

Маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ўрганиш тизимли ва тўхтовсиз ўтказилиши керак.

Бу агар рақобатбардошлик пасая борса, ўз вақтида маълум қарор қабул қилишга - шу маҳсулот ишлаб чиқаришни қисқартириш ёки тўхтатиш ёхуд унинг сифатини яхшилаш, бошқа бозорларга ўтказиш ва бошқаларга ўйлаб кўришга имкон беради. Бошқа томондан, маҳсулотнинг рақобатбардошлиги, шу маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг самарасини оширади.

Ҳозирги кунда, яъни бозор муносабатларига ўтиш шароитида қишлоқ хўжалигида бир қанча маҳсулот сотиш каналлари вужудга келади ва уларнинг ҳаракат қилиши учун шароит яратилади.

Маҳсулотни сотиш каналлари деганда, сотишда иштирок этувчи ёки воситачилик қилувчи шахслар ва корхоналар тўплами тушунилади.

Улар товарларни ўзларига ёки бошқа бир шахсга ўтказиш ҳуқуқини оладилар. Бу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга етказиш мақсадида биргаликда ҳаракат қилувчи иқтисодий, технологик, ташкилий, ижтимоий ва бошқа жараёнлар тизимидир.

Сотиш каналлари бевосита ва билвосита каналларга бўлинади.

Товарлар сотишнинг бевосита каналлар деганда воситачиларсиз товарларни ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга кўчиб юриши тушунилади.

Бевосита канал орқали, масалан сабзавот ва полиз маҳсулотлари деҳқон бозорларида, хусусий магазинларда, дўконларда сотилиши мумкин. Бундай усул билан, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари маҳаллий аҳолига касса орқали нақд пулга сотилиши мумкин.

Билвосита сотиш каналлари мустақил воситачилардан фойдаланиш билан боғланган. Улар товарларни товар ишлаб чиқарувчилардан сотиб олади ва истеъмолчиларга етказиб беради. Воситачилар сифатида давлат ташкилотлари, матлубот кооперациялари, савдо ва саноат корхоналари чиқади.

Алоҳида қишлоқ хўжалик корхоналари учун маҳсулотларни турли каналлар орқали сотиш ҳам ташкилий, ҳам иқтисодий жиҳатдан қийин масала. Корхоналар фаолиятининг пировард натижаси маълум даражада маҳсулотни тайёрлайдиган, сақлайдиган, ортадиган, туширадиган хизматларнинг ривожланишига боғлиқ. Шунинг учун қишлоқ хўжалик корхоналарида маҳсулотни тайёрлашни ва сотишни ташкил қилиш бўйича барча масалаларни ҳал қилиш зарурияти туғилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш каналлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

I. Давлатга сотиш:

- А). Давлат фондига;
- Б). Регионал фондга;

II. Эркин сотиш:

- А). Деҳқон бозорида;
- Б). Корхона ходимларига ва маҳаллий аҳолига;
- В). Биржада;
- Г). Чакана савдонинг бошқа ташкилотларига, корхоналарига;
- Д). Шартнома, мажбурият бўйича ташкилот ва корхоналарга;
- Е). Бошқа ташкилотлар билан бартер битимлари;

III. Умумий овқатланиш корхоналарига.

Бозор иқтисодиётига ўтишда давлатга сотиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳажми кескин қисқариб боради ва бозор каналлари бўйича сотиш ошиб боради.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш йўллари танлашда, албатта сотиш билан боғлиқ харажатлар сарфланади. Уни трансакция харажатлари дейилади. Бу харажатлар ўз ичига баҳо тўғрисидаги ахборотларни излаш, ҳамкорларни танлаш, шартномалар тузиш, шунингдек

мулкни ҳимоя қилиш каби харажатларни олади. Трансакиия харажатларининг даражаси ҳар доим ҳам олдиндан аниқланавермайди. У маҳсулотнинг хусусияти, уни ишлаб чиқариш технологияси, айирбошлашдаги ҳамкорларнинг хоҳиш-истагига боғлиқ.

**Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш йўлларига қуйидагиларни киритиш мумкин;
Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари:**

1. Қайта ишлаш:

- а) улгуржи савдо корхоналари;
- б) чакана савдо корхоналари;
- в) пировард истеъмолчи;

2. Дехқон бозорлари;

3. Тайёрлов ташкилотлари:

- а) улгуржи савдо корхоналари;
- б) чакана савдо корхоналари;
- в) пировард истеъмолчи.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари юқорида келтирилган сотиш каналларининг қанчалик даражада қулайлигини ва имконият даражасида иқтисодий жиҳатдан муносабат ўрнатиши мумкин бўлган вариантни танлашлари керак бўлади.

Хулоса ва таклифлар

Кишилар бундай ҳаётӣй воситаларга эга бўлиш учун турли соҳаларда фаолият кўрсатади. Инсонга бу турли фаолиятлар ичида энг асосийси, уларнинг яшаши ва камол топишини таъминлайдиган моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатишдан иборат бўлган иқтисодий фаолиятдир.

Инсоннинг эҳтиёжиини қондириш, яъни тирикчилик, ҳаёт кечиришни таъминлашнинг восита ва усуллари мажмуи иқтисодий фаолият деб аталади.

Кишиларнинг яшаши, камол топиши учун зарур бўлган ҳаётӣй воситаларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришга қаратилган, бир-бири билан боғлиқликда амал қиладиган турли-туман фаолиятлар яхлит қилиб, иқтисодий фаолият деб аталади.

Ҳар қандай иқтисодиет бир қатор зарурий бўғинлар ва умумий таркибий тузилмалардан иборат булади. Булар ичидан ишлаб чиқаришнинг технологик усули, ижтимоии-иқтисодий ва ташкилий-иқтисодий муносабатлар, ижтимоий меҳнат тақсимоти ва ихтисослашиш, жамиятнинг иқтисодий ресурс салоҳияти ва устқутрмавий тузилмаларини алоҳида ажратиш кўрсатиш мумкин.

Иқтисодиет доирасида моддий бойликларни, яъни жамият учун зарур бўлган неъматларни такрор ишлаб чиқариш жараёни рўй беради.

Товарлар, хизматлар ва ресурсларининг ҳаракати бўйича такрор ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларининг бирлигидан иборатдир.. Буларнинг ичида энг асосийси ва бошланғич бўғини ишлаб чиқариш жараёнидир. Чунки ҳамма товар ва хизматлар худди шу босқичда яратилади. Агар ишлаб чиқарилмаса, тақсимланадиган, айирбошланадиган ва ниҳоят, истеъмол қилинадиган нарсалар бўлмайди.

Иккинчи муҳим босқич тақсимот жараёнидир. Бу босқичда, ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи, товар ва хизматлар ҳамда пул даромадлари, тармоқлар, соҳалар, ҳудудлар корхоналар ва жамиятнинг алоҳида аъзолари ўртасида тақсимланади.

Айирбошлаш жараёни яратилган неъматлар ва бойликларнинг ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларини боғловчи бўғин ҳисобланади. Бунда ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида иқтисодий алоқа яъни - айирбошлаш, жараёни пул воситасида амалга оширилади.

Такрор ишлаб чиқаришнинг охириги босқичи истеъмол жараёнидир. Бу жараёнда товарлар ва хизматлар ўзларининг пировард истеъмолчиларини топади ҳамда турли хил эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади. Истеъмол икки турга бўлинади: унумли ва шахсий истеъмол.

Иқтисодчилар ишлаб чиқаришда уч марта йирик инқилоб руй берган ва шунга мувофиқ тарзда иқтисодий тараққиётда уч янги даврни бошлаб берганини эътироф этадилар.

Булар: индустриал ишлаб чиқаришга қадар бўлган тоиндустриал, индустриал (саноат) ва постиндустриал ишлаб чиқаришлардир.

Ишлаб чиқариш жараёни - бу кишиларнинг истеъмоли учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни яратигига қаратилган маъсадга мувофиқ фаолият

Моддий ва маънавий неъматларни яратиш, хизматлар кўрсатиш инсон ҳаёти, унинг яшаши ва камол топиши учун моддий асосдир. Шунинг учун ишлаб чиқаришнинг тўхтовсиз такрорланиши ва уни ривожлантириш ҳар доим энг муҳим иқтисодий қонуният ва объектив заруриятдир.

Ҳар қандай жамиятда ишлаб чиқаришнинг амалга ошиши, энг аввало унинг рўй бериши учун бу жараёнда қатнашадиган омиллар мавжуд бўлмоғи лозим. Иқтисодиётнинг тизими ва шаклидан қатъий назар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишнинг ҳамма соҳалари учун умумий бўлган учта омил: ишчи кучи, меҳнат қуролилари ва меҳнат предметлари бўлиши шарт.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади фойда олишга қаратилганлиги сабабли ҳар бир иқтисодий субъект кўпроқ фойда олишга интилади. Шунинг

учум ҳам ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини олинган фойданинг (Ф) ишлаб чиқаришга сарфланган ресурс харажатларига нисбати билан аниқланади, яъни

$$P^1 = \frac{f}{MC + IX} * 100$$

Бу ерда P^1 - фойда нормаси, MC - моддий сарфлар, IX -иш ҳақини миқдори.

Фермер хўжалигида таҳлил давридаги пировард молиявий натижаларни таҳлил қилиб кўрганимизда тушум ҳажми ўртача 166,06 фоизга, ишлаб чиқариш харажатлари 132,43 фоизга, молиявий натижа фойда 136,75 фоизга, рентабеллик даражаси 103,27 фоизга ўзгарганлигини кўриш мумкин.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги кўп киррали масала бўлиб, бу айtilган биргина асосий кўрсаткичда, уни тўла равишда ҳар томонлама ифодалаб бўлмайди. Шунинг учун ишлаб чиқариш самарадорлигини тўлиқ ифодалашда, унда қатнашган омилларнинг унумдорлигини, улардан самарали фойдаланиш даражасини характерловчи кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалигининг товар маҳсулоти деганда, ялпи маҳсулотнинг барча сотиш каналлари орқали, яъни давлат, матлубот кооперацияси, қишлоқ аҳолисига, дехқон бозорида, ошхона орқали, болалар муассасаларига ва чет давлатларга сотадиган қисмига айтилади. Товар маҳсулотнинг сотилган ва бу учун пул олинган қисми сотилган маҳсулот дейилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида товарлилик даражаси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у сотилган маҳсулотни ялпи маҳсулотга бўлиб топилади ва фоизларда ифодаланади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида иктисодий ислохотларни жадал амалга оширилиши, куп укладли аграр иктисодиётни шакллантириш ва шу асосда бозор муносабатларини мустахкамлаш соҳада соғлом иктисодий рақобат муҳитини яратиш орқали мавжуд ер-сув, меҳнат ресурслари ва моддий-техника базасидан фойдаланиш самарадорлигини кутариш йўналишида олиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб, қишлоқда куп бугинли иктисодиётни вижудга келтириш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт шароитлар яратилди.

Қишлоқ хўжалиги қорхоналарини тузишдан қузда тутилган асосий мақсад- қорхоналар ички имкониятларидан максимал даражада самарали фойдаланиб, аҳолии ва бозорни арзон, юқори сифатли, рақобатга чидамли товар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан доимий равишда таъминлаб, мақсадга мувофиқ равишда фойда олишдир.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек «Мақсад – қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин ошириш, қишлоқда яшаётган халқимизни ҳаёт даражасини кутариш, улар учун муносиб шарт шароитларни яратишдан иборат булмоғи керак»²

Уш бу мақсадларга эришиш учун қишлоқ хўжалиги қорхоналарида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш ва уш бу вазифаларни бажаришда давлатнинг иштирокини янада таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

-қишлоқда мулкчилик муносабатларини ривожлантириш, энг аввало хусусий мулкчиликни ривожлантириш ва мустахкамлаш, қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш

-деҳқонларга ерга ва мулкка эгаллик хиссини уйғотиш, деҳқонларни уз меҳнати натижаларидан фойдаланиш ҳуқуқига тула эга булишини таъминлаш, мулкий муносабатларни такомиллаштириш

-ҳар хил турдаги товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг ташкилий ҳуқуқий шакллари –кўп тармоқли қишлоқ хўжалик ширкати, фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил этиш уларни ҳуқуқий ва хўжалик мустакиллигини таъминлаш ва улар уртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш

-деҳқонларнинг уз меҳнатидан ва бутун қишлоқ хўжалиги қорхонаси фаолиятининг пировард натижаларидан манфаатдорлигини ошириш

-деҳқончилик маданиятини ва тупроқ унумдорлигини ошириш

-экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини оширишни таъминловчи агро зоотехник тадбирлар қуламини кенгайтириш

² Каримов.И.А «Қишлоқ хўжалиги таракқиёти – туқин ҳаёт манбаи» Тошкент «Ўзбекистон»,1998 йил.

-кишлок хужалик экинлари селекцияси ва уругчилиги ишларини такомиллаштириш, чорва молларини насли зотларини купайтириш ишларини такомиллаштириш

-экинларни жойлаштириш ва кишлок хужалик корхоналарини ихтисослаштиришни тугри ташкил этиш

Уш бу юкоридаги вазифаларни муваффакиятли амалга ошириш учун куйидаги принципларга риоя килиш махсадга мувофикдир:

-Мулк шаклини танлашда эркинлик мухитини яратиш

-Ердан фойдаланишда Ер кодекси талабларига сузсиз риоя килиш

-Узбекистонда меҳнат килиш эркин ва ихтиёрийлик принципидан келиб чикиб. Меҳнат жамоасини шакллантиришда эркинликка устиворлик бериш

-Товар ишлаб чиқарувчини меҳнат фаолиятини пировард натижа билан боғлиқлигини таъминлаш

-Корхона ишлаб чиқариш фаолиятини бизнес режа асосида ташкил этиш

-Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш учун, даромадни харажатлар билан қиёслаб фойда олишга эришиш, корхона ишлаб чиқариш молия фаолиятини тула хужалик ҳисоби шартлари асосида ташкил этиш

- Кишлоқ хужалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий махсади, кучли давлат ҳимоясига таянган ҳолда кишлоқ хужавлиги ишлаб чиқаришида уз узини бошқаришни таъминлаш тизимини яратишдан иборатдир.

Ҳозирги жаҳон молиявий иқтисодий инкирози шароитида кишлоқ хужалиги корхоналарининг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини таъминлашнинг асосий йуллари куйидагилардан иборат;

-ерга хусуий мулкчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш , ердан фойдаланиш ижара шартномаси муддатини узайтириш, хужалик юритувчи субъектларнинг моддий манфаатдорлигини кучайтириш

-уз узини бошқариш тизимини такомиллаштириш, кишлоқ меҳнатқашлари фаоллигини ошириш, уларнинг кичик ва урта бизнесга кизикишини ошириш

-корхоналарни, фермер ва дехқон хужалиқларини моддий, техника ресурслари билан кредит ва лизингнинг имтиёзли ставкалари асосида таъминлаш, кишлоқ хужалиги маҳсулотлари сотишда рақобат мухитини шакллантириш ва ривожлантириш

-кишлоқ хужалигини давлат томонидан қўллаб қувватлашнинг махсадли тизимини шакллантириш ва ҳоказолар.

Фойдаланилган адабиётлар

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва асарлари ҳамда меъёрий ҳужжатлар

1.1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, кодекслари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент «Ўзбекистон», 2001 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси Тошкент «Ўзбекистон» 1996 йил
3. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар тўғрисида”ги қонуни (янги тахрирда), Тошкент “Адолат”, 1998 йил

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

5. Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”. “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил 13 ноябрь.
6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари // – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
7. Каримов И.А. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” Тошкент “Ўзбекистон” 2012 йил
8. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз –кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” Халқ сўзи 2013 йил 19-январь
9. Каримов И.А. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир”. Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

1.4. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари

10. Мехнат ресурслари балансини тузиш ва ишга жойлашишга муҳтож шахсларни аниқлаш услубияти бўйича ўқув-услубий қўлланма. —Тошкент «Фан» 2002 йил.
11. «Ўзбекистон Республикаси аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларини хўжалик харажатлари ва уларда ахборот технологияларини яратиш харажатларини қоплаш жамғармасини ташкил этиш ва маблағларни сарфлаш тартиби тўғрисида” Йўриқнома, тошкент 2001 йил, апрел

II. Дарсликлар

12. Абдурахмонов Қ.Х. Мехнат иқтисодиёти. Дарслик. -Тошкент «Мехнат» 2004 йил
13. Абдурахмонов К.Х. Мехнат иқтисодиёти ва социалогияси Дарслик Тошкент «Укитувчи» 2001 йил
14. Абдукаримов Б.А Корхона иқтисодиёти Дарслик Тошкент «Фан» 2005 йил
15. Жураев Ф.Кишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш Дарслик Тошкент «Истиклол» 2004 йил
16. Корнаи Я. Путь к свободной экономике: (Страстное слово в защиту экономических преобразований). М.: Экономика, 1990. – 26-бет.
17. Назаров А.Ш. Мехнатни ташкил этиш ва нормалаш Дарслик Тошкент «УЎУАЖ» 2004 йил

III Уқув қўлланмалар

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” ҳамда “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. – 2010
19. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2010. – 146 бет
20. Умурзоков У.П. Кишлоқ хужалик иқтисодиёти ва менежменти ўқув кулланма Тошкент «Иқтисод-молия» 2008 йил
21. Холмуминов Ш.Р. Моделирование сельского рынка труда. -Т.: «Фан», 1996.
22. Касби тумани “Бекмуродов Жавоҳир” фермер хўжалигининг 2010, 2011, 2012 йиллар бизнес режаси ва ишлаб чиқариш ҳисоботлари

Ҳ. Газета ва журналлар

- a. Ўзбекистон кишлоқ хужалиги 2012 № 8. 77- бет.
- b. <<Халқ сўзи>> газетасининг 2012 йил 13 февраль сони.

Ҳ. Статистик маълумотлар тўплами

23. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари. Демографический ежегодник Узбекистана. Т.: 2006. 285-287 стр.
24. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлигининг 2011-2012 йиллар ҳисоботи.

Ҳ. Виртуал кутубхона электрон дарсликлари ва ўқув қўлланмалари

25. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2004. – 9-сон.
26. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш йўлида. Экспресс-проспект. (Бекмуродов А.Ш., Беркинов Б.Б., Усмонов Б.Б., Ҳамидов О.М., Гафуров У.В. ва Нейматов И.У.). - Т.: Иқтисод